O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 14-sentyabr, chorshanba * № 37 (996) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

## ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИМАН



Авваллари одамлар ўз режаларига баъзан йиллаб кечиккан ҳолда эришган бўлсалар, бугун мустақиллик бизларга ўзимиз истаган орзу-ниятларимизга имкон қадар тезроқ эришиш саодатини берди.

➩ 2-бет

## МАҲАЛЛАДА «ДУВ-ДУВ» ГАП БЎЛИШИ ШАРТМИ?




Агар аҳвол шундай давом этаверса, юз йилдан кейин ҳам тўйларимиз ҳақида яна баҳслар, мулоҳазалар, мунозаралар бўлиши тайин.

➩ 6-7-бет

## БАДИИЯТНИ АНГЛАШ СИРИ



Келажакда бадиий асар таҳлили билан шуғулланишга бел боғлаган "адабиётшунос, — дейди муаллифлар, — ҳар қандай бадиий асарни инсоф билан ҳалол ўқий билиши ва баҳолай олиши керак".

➩ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келди. Улар матбуотда эълон қилинди.

**2016 йил 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёев зиммасига вақтинча юклаш тўғрисида қўшма қарор қабул қилди.

**9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи матбуотда эълон қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев 2016 йил 7 сентябрда «Боинг — фуқаро самолётлари» компанияси Президенти Рэймонд Коннерни қабул қилди.

**2016 йил 12 сентябрь куни бутун мамлакатимиз бўйлаб Қурбон ҳайити байрами кўтаринки руҳда ўтказилди.**




"HURRIYAT" газетаси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

## Тошкент — Андижон — йўналишида

### йўловчи поезди қатнови бошланди

**БУНЁДКОРЛИК**

Темир йўлларни мамлакатнинг қон томирига қиёслашади. Бунда асло муболаға йўқ. Ҳақиқатдан ҳам темир йўллар халқ хўжалигига тегишли тонна-тонналаб юкларни арзон ва қулай тарзда ўз манзилига етказиб қўяди. Қолаверса, у ҳудудларни ҳудудлар, элларни эллар билан боғловчи ноёб восита ҳисобланади. Истиқлол йилларида Ўзбекистон темир йўллари тизимида катта ўзгаришлар юз берганини бугун кўпчилигимиз яхши биламиз.









Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус ва тоғли ҳудудларни кесиб ўтган Тошгузар — Қумқўрғон темир йўллари қурилиши ўтган йиллардаги улкан ютуқлардан бири бўлди. Ушбу темир йўлларнинг бунёд этилиши мамлакат ягона темир йўл тизимини вужудга келтириш билан бир қаторда ўша жойлардаги инфратузилмаларни ривожлантириш, у ерлардаги турли ер ости бойликларидан самарали фойдаланиш борасида катта имкониятларни очди. Энг муҳими, темир йўллар ўтган барча гўшалар обод ва кўркам маскилларга айланди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида эса водийни пойтахтимиз билан боғлайдиган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ишга тушди. Жорий йил 5 сентябрдан бошлаб мазкур темир йўл орқали 60/59-сонли Тошкент — Андижон — Тошкент йўналиши бўйлаб «O'zbekiston» йўловчи поездининг мунтазам қатнови йўлга қўйилди.

«Ekonom», «biznes», «vip» ҳамда ресторан вагонлардан иборат замонавий электр поезди Тошкент марказий вокзалидан соат 8 дан 5 дақиқа ўтганда жўнаб, йўл давомида Поп, Қўқон, Марғилон вокзалларида тўхтаб ўтди ҳамда Андижон вокзалига соат 14 дан 5 дақиқа ўтганда етиб борди. Андижон вокзалидан чиққан поезд эса соат 15 дан 25 дақиқа ўтганда жўнаб, Тошкент марказий вокзалига соат 21 дан 25 дақиқа ўтганда кириб келди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, ушбу йўловчи поездининг вагонлари «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖ томонидан ишлаб чиқарилган, ўриндиқлари юмшоқ, замонавий, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради.

Йўловчилар сафар давомида водийга ўтаверишдаги тоғ ва адирлардаги табиат манзараларидан баҳраманд бўлиш билан бирга, вагон ичидаги мониторларда намойиш этиладиган турли фильмлар ва концерт дастурларини томоша қилиб, мароқли ҳордиқ чиқариб ўз манзилларига етиб олишлари мумкин.

2 ➤➤

## Пок ниятлар, эзгу амаллар айёми

**МАЪНАВИЯТ**

Мамлакатимизда кенг нишонланган Қурбон ҳайити тадбирларида халқимизнинг меҳр-мурувват, оқибат, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу фазилатлари яна бир бор намоён бўлди.

Жомеъ масжидларида ўқилган ҳайит намозларида мўмин-мусулмонлар Яратгандан юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўкин-сочинлик ва фаровонлик бардавом бўлишини тилади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг миллий-диний қадриятлари қайта тикланди. Рамазон, Қурбон ҳайитлари эмин-эркин кенг нишонланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 9 сентябрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ушбу муборак айёмни кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани сингари пойтахтимизнинг Яшнобод туманида ҳам Қурбон ҳайитига тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилди. Кўчалар, маҳалла гузарлари, зиёратгоҳлар, қабристон ва масжидлар, тарихий обидаларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

"Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилган хайрия тадбирлари халқимизга хос инсонийлик, саховатпешалик, шукроналик фазилатларини намоён этди. Жамоатчилик гуруҳлари томонидан кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Ёшлар ўзгалар кўмагига эҳтиёжманд кексаларга уй ишларида кўмаклашди.

Байрам муносабати билан нуронийлар ва ёшлар иштирокида тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштирилди.

3 ➤➤

*Ҳурматли муштарийлар,*

**2017 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари бошланди. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.**

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!




## Маънавий жасорат ибрати

**ШАРҲ ЎРНИДА**

Одатда, «жасорат» деганда биз Ватан ҳимояси йўлида ёки турли экстремистик қора кучларга қарши курашда фавқулодда фидойилик кўрсатганларни тушунамиз. Юртбошимиз асарларида эса инсоний жасоратнинг янги бир талқини яратилган. Бу **маънавий жасорат** масаласидир.

Тўғри, маънавиятни ривожлантиришга хизмат қиладиган адабиёт, санъат, илм-фан намояндалари, ислом ва тасаввуф арбоблари ўз кашфиётлари, эзгу ишамаллари билан моҳиятан маънавий жасорат эгалари ҳисобланадилар. Бу ҳақиқат илмий-маърифий жиҳатдан Ислом Каримов таълимотига асосланди ва кенг муомалага олиб чиқилди. «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли китобнинг «Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори» сарлавҳали тўртинчи бобининг иккинчи бўлими, балки ушбу асарнинг якуний-хулосавий моҳиятини англатувчи қисми *«Энг буюк жасорат»* деб номланган. Унда энг буюк жасорат нима ва у қандай бўлиши ҳикматомуз фикрлар билан асослаб берилган.

«Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзоднинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз».

Биламизки, И.Каримов шахсияти ва таълимоти ўзида байналмилаллик, илғор дунё ҳамжамияти билан тенглашиш ҳаракатлари жиҳатидан ўзига хослик, оламшумуллик касб этади. У буюк аждодларимиз қаторида ўзга юрт ва ўзга миллатга мансуб улуғ сиймолар ҳаёти ва уларнинг яратмаларини ҳам билиш, ўрганиш ҳамда ўрнак олиш, комил инсоний фазилатларни шакллантиришда фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор беради. Муҳими, бундай маънавий жасорат соҳиблари баркамоллик ибрати ва тарбияси учун таянч бўладиган асослардир.

Юртбошимиз антик давр юнон илм-фанининг «юксак тафаккур ва ақл-заковат тимсоли бўлиб келаётган» файласуф Платоннинг ўз устози Суқротнинг вафотидан сўнг катта қийинчиликлар билан, бор мол-мулкини сарфлаб Афина шаҳри яқинида академия ташкил эттанлигини, бундай *чинакам маънавий жасорати* билан юнон фалсафасини, илм-фан ривожини таназзулдан асраб қолганлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Китобда яна Хоразм Маъмун академияси ва унинг бағрида камолга етган Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби олимлар фаолияти ҳам қайд қилинган.

**«Улкан маънавий жасорат соҳиблари бўлган бундай аллома зотлар,** — дея таъкидланади мазкур рисолада, — **дунёнинг қаерида яшамасин, эзгулик ва маърифат йўлида доимо одамларга ибрат бўлиб келган»**. Шунингдек, бундай маънавий жасорати билан инсониятга баркамоллик ўрнаги бўлиб келаётган зотлар қаторида ўрта асрларга мансуб бўлган «астрономия соҳасидаги илмий кашфиётлари учун тазйиқ ва таъқибларга учраган *Коперник* ҳамда кейинчалик унинг изидан бориб, жоҳил ва ақидапараст руҳонийлар томонидан ўтга ташланган *Жордано Бруно,* қанчадан-қанча таъна ва маломатларга гирифтор этилган *Галилео Галилей* каби алломаларнинг жасоратида ҳам *ҳақиқатга садоқат, эътиқод учун курашнинг* ёрқин намунаси яққол намоён бўлганини кўрамиз», дея қайд этади донишманд Юртбошимиз.

5 ➤➤

# ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАГАН ИНСОН ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

**ИНСОН АЗИЗ — ХОТИРАСИ МАНГУ**

1990-йилларнинг бошида мамлакатимиз аҳолисининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан импорт ҳисобидан қопланар, Ўзбекистон қолоқ аграр республика эди.

Ана шундай мураккаб, эртага нима бўлиши номаълум бўлган бир пайтда Ислом Каримов қатъияти ва жасорати билан мустақилликка эришдик. У киши томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" мамлакатимизни барқарор ривожланиш сари бошлади. Ёш давлатимиз учун ғоят мураккаб ва масъулиятли даврда вазият беқарорлашувининг олди олингани ва халқимиз турли тала-тўплардан эсон-омон ўтиши бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ.

Президентимиз ғалла мустақиллигига эришишни устувор вазифалардан бири этиб белгилади. Қисқа вақтда ғалладан етмиш-саксон центнердан ошириб ҳосил кўтарадиган фермерлар фаолият кўрсата бошлади. Президентимиз айтганидек "...Халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган ғалланинг асосий қисмини бошқа давлатлардан олиб келар эдик. Фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилгани, уларга керакли шароит ва кенг имкониятлар яратиб берилгани туфайли Ўзбекистон қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришди".

Мустақил мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов олиб борган оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистон чорак аср ичида гуллаб-яшнади ва жаҳонда муносиб ўрнини топди.

Юртимиз келажагини ёшлар тимсолида кўриш, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ободлиги, гўзаллиги, халқимизнинг фаровонлиги, кишиларнинг ҳаётдан розилигидан, эртанги кунига ишончидан Президентимиз олам-олам завқ олар эди. Юртимиз ва халқимиз учун, ҳар бир ватандошимиз тақдири учун масъулиятни чуқур ҳис қилар эди. Зеро, Ислом Каримовга хос фидойилик, ватанпарварлик, инсонийлик, адолатпарварлик, меҳрибонлик ва самимийлик каби олижаноб фазилатлар барчамиз учун намуна бўлиб қолди.

Кечагидек эсимда: 2013 йил 17 июлида Ислом Каримов Жиззах вилоятига келди. Дала шийпонидаги учрашувда туман ҳокимидан "Нечта фермер режасини бажара олмади?", деб сўради. Ҳоким 78 фермер режани бажара олмагани, шу сабаб улардан ер қайтариб олинганини айтганида, "Сиз нотўғри қилибсиз, ерни қайтариб олиш билан иш битмайди. Фермер бу — мутахассис, мен Президент бўлсам-да, мутахассисларнинг гапини охиригача эшитаман. Бунинг учун нима ёрдам керак бўлса, албатта, кўмак берамиз", деди. Юртбошимизнинг ишончидан руҳланган туманимиз фермерлари ўша йили режани ортиғи билан бажарди.

Биринчи Президентимизнинг юртдошларимизга, хусусан, фермерларга яратиб берган шароитларининг чегараси йўқ. Истиқлол йилларида амалга оширилган тизимли ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти қарийб олти баробар ўсиб, аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисобланганда ўн икки баробардан зиёд ошди.

Эришилган бу ютуқларда Ислом Каримов ташаббуси билан асос солинган фермерлик ҳаракати муҳим аҳамият касб этади. Ер эгасини топди. Ўтган йиллар давомида фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий кўмак берилди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони фермерлик ҳаракатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Бир замонлар "боқиманда", "қолоқ" дея камситиб келинган деҳқон мустақиллик шарофати туфайли ернинг ҳақиқий эгасига айланиб, фермер номи билан жамиятда обрў-эътибор топди. Бугун фермерлар юрт ободлиги, жамият фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган энг фаол қатламлардан бирига айланди. Шу буюк инсон туфайли фермерларнинг рўзғори обод бўлиб, улар яратиш, яшнатиш иштиёқи билан яшамоқда.

Президентимизнинг "Фермерлар мамлакатимизнинг таянчи, устуни", деган сўзлари биз, фермерларга билдирилган энг катта ишонч эди. "Кимки фермерга тўсқинлик қиладиган бўлса, у менинг биринчи душманим", дея оталарча ғамхўрлик кўрсатиб, ҳимоя қиларди, қўллаб-қувватларди. Бу азиз инсоннинг ҳар бир сўзи, ҳар бир фикри биз учун дастурламалдир. У кишининг вафотидан нафақат ўзбек халқи, балки дунё халқлари чуқур қайғуга чўмди, десак хато бўлмайди. Инсонларнинг юрагидан жой олиш осон иш эмас, Ислом Каримов халқимизнинг чексиз муҳаббатини қозонган эди. Элим деб, юртим деб яшаган, халқи фароғатини кўзлаган, Ватани учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган буюк Йўлбошчимизнинг хотирасини халқимиз ҳамиша юрагининг энг тўрида эъзозлаб, ардоқлаб сақлайди!

**Анорбой ЭШМАТОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Анвар-А" фермер хўжалиги раҳбари.**
*ЎзА*



# Истиқлол фарзандиман

**ИФТИХОР**

Китоб жавонимдан 16 ёшимда ёзиб қолдирган кундалик дафтаримни топиб олдим. Уни зўр ҳафсала билан варақлар эканман, "Менинг режаларим" деб номланган саҳифага кўзим тушди. Унда шундай ёзилган эди:

"Мактабни тамомлаб, академик лицейга ўқишга кираман. Академик лицейни битириб, олий ўқув юрти талабаси бўламан (Наманган ёки Фарғонадаги). Талабалик давримда шеър китоблар чиқараман. Италияга саёҳатга бораман" ва ҳоказо. Қисқаси, орзуларим чеки йўқ...

Ўзимга ўзим сўз қотдим: "Тасанно, меҳнат ва изланишларим бесамар кетмабди. Академик лицейни тамомлаб, истаганимдан-да аъло — Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультети талабаси бўлдим. Буни қарангки, шеър китобим талаба бўлмасимдан аввал, академик лицейда ўқиб юрган кезларимда, яъни ўз режамдан икки йил олдинроқ "Баҳорим келди" номи билан нашрдан чиқди".

Авваллари одамлар ўз режаларига баъзан йиллаб кечиккан ҳолда эришган бўлсалар, бугун мустақиллик бизларга ўзимиз истаган орзу-ниятларимизга имкон қадар тезроқ эришиш саодатини берди. Бу қандай бахт! Ахир, буларнинг барчаси Истиқлол шарофати эмасми? Бу гўшада меҳнат ва интилиш мукофотсиз қолмайди. Ҳа, ростдан ҳам бизнинг баҳоримиз келди!

Мустақил бўлганимизга 25 йил тўлди. Аслида, тарих учун бу бир кўз очиб-юмгулик вақтдир. Лекин шу қисқа вақт ичида қанчалик тараққий этганлигимизни ҳатто чет давлатлар ҳам эътироф этмоқда. Оддийгина мисол: қисқа вақт мобайнида юртимизнинг барча жойларида бунёдкорлик ишлари олиб борилди, натижада қишлоқларнинг-да шаҳарлардан деярли фарқи қолмади. Хусусан, мен ҳам ҳар доим ўқишдан уйга қайтар эканман, Наманган вилоятининг Поп туманида амалга оширилган ободончилик ишлари, Ангрен — Поп йўналишида қурилиб, фойдаланишга топширилган поезд йўлини кўриб, беихтиёр юрагимда фахр-ифтихор туйғулари мавж уради.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт", деган хитоблари бугун ўз натижасини кўрсатди ва амалга ошгани ҳар гўшада, ҳар қадамда намоён бўлаётир. Тенгдошларимиз орасидан жаҳон чемпионлари чиқаётгани, фан-таълимни пухта эгаллаган, халқаро олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритганлар кўпаяётгани қалбимизни ғурурга тўлдиради. Демак, биз — мустақиллик фарзандлари энг омадли ва бахтли ёшлармиз. Бизга яратилган кенг имкониятлар ва юксак эътибор сифатида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури" қабул қилинди. Унга кўра, "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилотлари етакчиларининг ҳудудий семинарлари, "энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловлари ва республика форумларини ўтказиш, олий таълим муассасалари талабаларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида "Тафаккур синовлари" республика танловини ўтказиш, Республиканинг барча ҳудудларида фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларнинг таниқли вакилларини кенг жалб қилган ҳолда, "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивалларини ўтказиш ва бошқа кўплаб тадбирлар режалаштирилганки, улар бизни иқтидоримизни намоён этиш, жамиятнинг фаол аъзоси бўлишга чорлайди.

Тенгдошларимни ушбу имкониятлардан унумли ва оқилона фойдаланишга чақириб, Ўзбекистондек жаннатмонанд масканда туғилганимиздан фахрланамиз ва эртанги порлоқ келажагимизга ишонамиз, дея қайта-қайта таъкидлагим келади.

**Зуҳра НОРЙИГИТОВА, ЎзМУ журналистика факультети талабаси**

**ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА**

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Интеллектуал" ахборот технологиялари бўйича лойиҳалар танловининг ҳудудий босқичлари ғолиблари учун ташкил этилган ўқув семинарларида фаол иштирок этган ёшлар тақдирланди.

# Ахборот технологиялари — тараққиёт омили

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари Иброҳим Жўраев, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги маслаҳатчи-элчиси ва бош консули Цой Чжон-Хо, "Samsung Electronics" компаниясининг юртимиздаги бош ваколатхонаси бошлиғи Мин Шин Вунг ва бошқалар Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида улкан салоҳиятга эга етук мутахассислар тайёрлаш, иқтисодиётни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшадиган миллий дастурий маҳсулотлар бозорини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Миллий манфаатларга мос, ҳар томонлама фойдали сайтлар яратилаётгани, ёш веб-ихтирочилар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани миллий интернет сегментини бойитиш, соғлом ахборотлашган жамиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.



"Интеллектуал" ахборот технологиялари бўйича лойиҳалар танловининг ҳудудий босқичлари ғолиблари учун ташкил этилган ўқув семинарларда иштирокчиларнинг ахборот технологиялари ва ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш борасидаги билим ва тажрибаси янада оширилди.

Иштирокчилар бир ҳафта давомида "Samsung Employee Volunteer Program" таълим дастури бўйича компания ходимларининг илғор тажрибасини ўрганди. Маҳорат сабоқлари Жанубий кореялик инженерлар кўмагида тўрт йўналишда ташкил этилди. Жараёнда ёшларнинг Android платформасига иловалар яратиш, виртуал ҳаёт иловалари, Raspberry Pi микрокомпьютерлар ва 3D моделлаштириш учун дастурлар ишлаб чиқиш борасидаги лойиҳалари такомиллаштирилди.

— Android платформаси асосида ишловчи чиқиндиларни йиғиш технологиясини ишлаб чиқдик, — дейди "Clean Car" гуруҳи аъзоси Достон Юсупов. — Биз яратган машина Android телефонлари ёрдамида масофадан бошқарилади. Бундай тадбирлар биз каби ёшларнинг юқори технологиялар ва уларни дастурлаш соҳасидаги билим ва салоҳиятимизни янада бойитишга хизмат қилади.

Тадбирда ҳар бир йўналиш бўйича энг яхши деб топилган лойиҳалар тақдимот қилинди. Беш нафар фаол иштирокчи диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

"Интеллектуал" ахборот технологиялари бўйича лойиҳалар танловининг финал босқичи жорий йил ICTWEEK Uzbekistan — 2016 ҳафталиги доирасида бўлиб ўтади.

**Дилшод КАРИМОВ, ЎзА мухбири**
*Ёлқин ШАМСИДДИНОВ ЎзА олган сурат*

# Тошкент — Андижон — йўналишида

## *йўловчи поезди қатнови бошланди*

« Бошланиши 1-бетда

Вагон кузатувчилари томонидан йўловчиларга юқори даражада сервис хизматларини кўрсатишга ҳам асосий этибор қаратилди. Республикамизда амалга оширилган бундай улкан бунёдкорлик ишлари ҳамда яратилган қулайликлардан йўловчиларнинг жуда мамнунликларини уларнинг дил сўзларидан ҳам билса бўлади.

— Ўтган 25 йилнинг ҳар бир йилини улкан янгиланишлар, ўзгаришлар ва юксалишлар йили деб айтсак тўғри бўлади, — дейди Наманган давлат университети профессори Турсунбой Файзуллаев. — Шу маънода бир нарсани ғурур билан айтиш керакки, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов 1991 йил 31 августда жасорат ва донишмандлик билан мустақиллигимизни эълон қилиб, Ўзбекистоннинг келажаги буюк деганларида, у кишининг кўз ўнгидан Ўзбекистон, унинг халқи, унинг ёшлари эришган бугунги оламшумул ютуқлар яққол ўтган десам хато бўлмайди.

Биргина жорий йилнинг ўзида Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва унинг доирасида 19,2 километр узунликдаги Қамчиқ туннелининг қуриб фойдаланишга топширилиши, яқингинада Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитининг юқори даражада ўтказилиши ва ниҳоят, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўзбек йигитларининг Халқаро олимпиадада қўлга киритган улкан ютуқларини тараққиётнинг "ўзбек мўъжизаси" десак муболаға бўлмайди. Бугун эса яна бир ноёб лойиҳа — Ангрен — Поп темир йўли орқали юк ва йўловчилар ташишнинг йўлга қўйилиши мамлакатимизнинг тараққиёт сари дадил бораётганидан дарак беради.

Жаҳонда молиявий инқироз давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда халқнинг турмуш даражасини муттасил ўстириб, унинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар бугун ўзининг ижобий самарасини яққол кўрсатмоқда.



— Бугун юртимизда амалга оширилаётган барча ишлар биз ёшларнинг бахту саодатимиз ва ёруғ келажагимиз учун хизмат қилади, — дейди ушбу поезд йўловчиларидан бири бўлган Дилафрўз Азимова. — Мен спортчиман. Хорижий мамлакатларга халқаро мусобақаларга борганимда, жумладан, Европа давлатларининг темир йўл транспортидан кўп марта фойдаланганман. Бугун шахсан ўзим гувоҳи бўлиб турибманки, бизнинг темир йўл тизимимизда яратилган шарт-шароитлар улардан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас. Бу темир йўли Фарғона водийси учун ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам узоғимизни яқин қиладиган узлуксиз тизимли ва бехатар бўлган темир йўл транспорт воситаси ҳисобланади.

— Айни дамда қалбим чексиз, ғурур, ифтихор ва ҳаяжонга тўла, — дейди Тошкент — Андижон — Тошкент йўловчи поездининг биринчи йўловчиларидан бири Шоҳиста Рашидова. — Юртимизда ёшларга берилаётган юксак эътибор, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида учрамаса керак. Қай бир соҳага назар ташламайлик, ёшлар манфаати етакчи ўринда бўлиб келмоқда. Бу темир йўллар ва туннелнинг қурилиши ҳамда йўловчи поезди қатновининг йўлга қўйилиши ҳам йўлимизни янада яқин, равон ва бехатар қилди. Мен ҳозир ота-боболаримиз орзу қилиб, интиқиб кутган ушбу тарихий воқеанинг гувоҳи ва бевосита иштирокчиси бўлиб турганимдан беҳад хурсандман. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов биз ёшларга қарата "Маррани баланд олинг болаларим марра бизники эртанги кун бизники!" деб айтганлар. Биз мана шундай яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб янада юксак марраларни забт этишимизга ишончим комил!

Тошкент — Андижон — Тошкент йўналишида «O'zbekiston» йўловчи поезди қатновининг йўлга қўйилиши биргина Фарғона водийсининг ўн миллиондан зиёд аҳолиси оғирини енгил, узоғини яқин қилиб қолмай, балки бутун мамлакатимизни водий вилоятлари билан янада мустаҳкам боғлайди. Ушбу бунёдкорликларнинг замирида албатта, буюк истиқлолимиз турибди.

**Мирза МУРОТОВ**



# Пок ниятлар, эзгу амаллар айёми

Бошланиши 1-бетда

Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли, айниқса, ёшларни мамлакатимизда бой маънавий меросимизни асл ҳолича асраш ва келажак авлодларга етказиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар билан яқиндан таништириш, навқирон авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдир.

Маҳаллаларда ташкил этилган авлодлар учрашувлари, турли маънавий-маърифий тадбирлар ёшларнинг билим ва дунёқарашини бойитиш, юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишларда уларнинг фаоллигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Қурбон ҳайити эзгу амаллар айёмидир, — дейди Яшнобод туманидаги Авиасозлар маҳалласида яшовчи Мавжуда ая Ашрафхонова. — Маҳалламизда байрам муносабати билан кўча ва майдонлар, кўп қаватли уйлар атрофи, ҳовли-жойлар тартибга келтирилди.

Самарқанд вилоятида ҳам муборак Қурбон ҳайити кенг нишонланди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида мазкур байрамни юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Маҳалла ва гузарлар, қабристон ва зиёратгоҳларда ҳайит олдидан ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасида юртимизнинг турли ҳудудларидан келган мўмин-мусулмонлар ибодат амалларини адо этди.

Минглаб юртдошларимиз Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

— Вилоятимиздаги барча мўмин-мусулмонлар Қурбон ҳайити намозини тинч-осойишта кунларимизга шукрона айтган ҳолда ўқиди, — дейди Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг Самарқанд вилоятидаги вакили ўринбосари Зайниддин Эшонқулов. — Ибодатларимиз чоғида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этиб, у кишининг ҳақларига дуолар қилдик. Юртимиздаги осойишталикнинг барқарор бўлиши, давлатимизнинг янада равнақ топишини тиладик.

Фарғона вилоятида ҳам Қурбон ҳайити юксак савияда нишонланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вилоятдаги Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Пурсиддиқ қадамжолари ободонлаштирилиб, кўркам зиёратгоҳларга айлантирилди. Буюк аждодларимизнинг юбилей саналари кенг миқёсда нишонланаётгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

— Халқимизга хос меҳр-мурувват, саховатпешалик ва бағрикенглик фазилатлари Қурбон ҳайити тадбирларида янада яққол намоён бўлди, — дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Топволди Холдоров. — Байрам арафасида маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва оилаларда тозалик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатмоқда. Маҳаллаларда "Ўтганлар руҳини шод этайлик", "Уч авлод учрашуви", "Меҳр-мурувват — инсонга зийнат" каби мавзуларда тадбирлар ташкил этилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 9 сентябрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Вилоятдаги барча жомеъ масжидларида ҳайит намозини ўқиш учун ҳамма шароит яратилди. Ҳайит намозларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси яна бир бор ёд этилиб, ҳақига Қуръон тиловат қилинди.

Сурхондарё вилоятида ҳам муборак Қурбон ҳайити тадбирлари халқимизга хос бағрикенглик, аҳиллик руҳида ташкил этилди.

Ушбу муборак айём муносабати билан тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, масжид ва қабристонлар атрофи ободонлаштирилди. Кўча ва йўллар, маҳалла гузарлари, бозор ҳамда бошқа аҳоли гавжум ҳудудларда йўл-транспорт, ёнғин ва бошқа хавфсизлик чоралари кўрилди. Эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олишга, халқимизга хос миллий қадриятларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам сифатида кенг нишонлаш ажойиб анъанага айланганини ҳеч қачон унутмаймиз, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси ўринбосари Орзиқул Соатов. — Қатор жамоат ташкилотлари, саховатпеша тадбиркор ва фермерлар халқимизга хос эзгу ишларни амалга ошириб, Меҳрибонлик ва Мурувват уйларига, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари, нуронийлар ҳолидан хабар олинди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида Қурбон ҳайити муносабати билан ўтказилаётган хайрли тадбирлар кўпмиллатли халқимиз ўртасида меҳр-мурувват, оқибат, бирдамлик, аҳиллик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

**ЎзА**

# Отамерос ҳунар соҳиби

**ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ**

Ҳаётдан ниманидир олиш учун аввало ўзинг нимани хоҳлашинг ва одамларга қандай нафинг тегишини аниқлаб олишинг зарур...

Бухоронинг Тоқи-телпакфурушон мавзесида ҳар тонг биринчи бўлиб темирчилар дўкони иш бошлайди. Эски шаҳар узра ҳукм сураётган сокинлик ёқимли темир жарангидан ҳушёр тортади гуё...

Аста-секин ҳунармандлар растаси жонланиб, баланд гумбазлар остидаги қадимий дўконларга файз киради. Бири-биридан ноёб, бири-биридан бетакрор ҳунармандчилик буюмларига қараб, кўзингиз қамашади. Инсон қўллари ва ўткир зеҳни маҳсули бўлган бу санъат асарларининг ижодкори билан танишгингиз, ҳар бир буюм ҳақидаги ҳикояларни эшитгингиз келади. Маскан оралаб юрарканcиз, темирчилар дўкони қаршисида беихтиёр тўхтаб қолганингизни сезмайсиз. Катта ғишт тандирда ёнаётган олов тафтида эндигина уста қўлида сайқал топган турли буюмлар худди олтинга ишлов берилгандай ажиб сеҳри билан сизни ўзига мафтун этади. Темирга битилган поэмага ўхшайди улар. Силлиқ, чиройли, илоҳий бир сеҳр бордай бу буюмларда. Синчиклаб қарасангиз, ер юзидаги неъматлар табиат мўъжизалари, тоғлар салобати, денгизлар мавжи, шамоллар шивирини ҳис этасиз. Қаршингизда эса...

Олов тафтидан юзлари қизарган, темирлар зангидан қўллари қаварган, санъати мўъжизасидан чеҳраси ёришиб, кўзларига ҳунарининг минг йиллик битиклари маъно бағишлаётган савлатли бир инсон сизга икки қўли кўксида илиқ табассум билан юзланади...

Уста Шокир Камолов 1946 йилнинг 10 сентябрида Бухоронинг файзли гўшаларидан бири Масжиди Баланд кўчасида темирчи оиласида дунёга келди.

Шокир отанинг болалик йиллари урушдан кейинги машаққатли кунлар хотираси билан боғлиқ. Улар оилада ўн бир фарзанд эдилар. Шокиржон болаларнинг тўртинчиси, ғайрати ичига сиғмаган шўх бола эди. Бироқ мактабдан келди дегунча онаси Зуҳрохон ая пиширган мураббони тўйиб еб олардида, отасининг дўкони томон отланарди.

Шариф темирчини Бухоро шаҳри ва атрофдаги қишлоқларда ҳам яхши танишар ва ҳурматлашарди. Одамларнинг асосий тирикчилиги деҳқончилик ортидан бўлгани боис уста Шариф дўконидан одам узилмасди. Кимга кетмон, кимга ўроқ, бировга теша, бошқасига темир тақалар керак бўларди. Уста Шокирнинг қўли қўлига тегмас, ўғли ва шогирдларига иш етарли эди.

Шокиржон отасининг ишига меҳр билан тикилиб ўтирар, кўпроқ ўргангиси, буюмларни мустақил ясагиси келарди.

— Баъзида отам шогирдларига кўпроқ эътибор бериб, уларга кўпроқ меҳр кўрсатаётгандай туюларди. Кейин билсам, йигирма нафардан ортиқроқ болалар, оталари урушдан қайтмай рўзғори оғирлашиб қолган оилалар фарзандлари экан. Фарзандларидан орттириб, бегона болаларнинг бошини силаётган ва айни вақтда уларга ҳунар ўргатиб, касб-корли қилаётган отамдан доим фахрланардим. Кўчада юрганда одамларга устанинг ўғлиман дегим келарди, — дейди уста Шокир Камолов.

Бухоро ҳунармандчилиги тарихи саҳифаларида "Қизил маъданчи" "Ҳунармандлар фабрикаси" номлари учрайди. Уста Шариф ташкил этган бу даргоҳ етимларнинг бошини силаб, бағрига олган темирчининг корхонаси бўлганини бухоролик кексалар ҳалигача яхши эслайди.

Мустақиллик йилларига келиб, темирчилар кўчасига Уста Шариф номи берилди.

— Отам вафотларидан кейин айрим темирчилар ўз устахоналарини очди. Мен эса анча пайтгача қўлим ишга бормай қийналиб юрдим, — ҳикоясида давом этади Шариф ота. — Дўконга бордим дегунча отам кўз олдимга келарди... Бир кун отам тушимга кирдилар. У киши менда қолган чопонига ишора қилди. Уйғониб отамнинг чопонини қўлимга олдим, негадир, шу пайтгача синчиклаб қарамаган эканман. Чопоннинг ички томонига чўнтак тикилганди. Бир қоғоз топиб олдим. Отам раҳматли темирчиларнинг рисоласини доим ўзи билан олиб юрган эканлар. Шу кундан бошлаб бу рисола доимий ҳамроҳимга айланди, ҳозиргача уни сақлаб келаман. Ўшанда отам бу ишора билан "менинг ҳунаримни давом эттир" демоқчи бўлган эканлар.

Кўп ўтмай, ишга киришдим. Уста Шариф дўкони ишга тушганини эшитиб атрофдан шогирдлар ҳунар ўрганишга кела бошлади.

Ёшлигимда новвойхонадан нон олсам, халтага солиб ўйнатиб келардим. Отам дўконида ишлай бошлаганимдан сўнг нонни отам сингари бағримга босиб уйга олиб кирадиган бўлдим. Меҳнат орқасидан топилган ноннинг қадри бошқача бўлади деган ҳикматни англаб борардим. Гарчанд темир билан ишласам-да, отам сингари оппоқ кийимда ораста юришга одатландим.



Уста Шокирнинг энг қизғин фаолияти мустақиллик йилларида бошланди. Ҳар бир инсон ҳаётида ҳал қилувчи лаҳзалар бўлади. Шокир ота Камоловни синовли кунлар исканжасидан чиқиб кетишига энг аввало юртимизда ҳунармандчилик ва уста косиблар фаолияти ривожига давлатимиз томонидан берилган алоҳида эътибор сабаб бўлди. Бир пайтлар шунчаки "план" учун ишлаган минглаб усталар энди ўз манфаати йўлида эркин ишлаб, эркин ижод қила бошладилар.

Шокир ота устози ва падари бузруквори уста Шариф йўлини муносиб давом эттириб, элда обрў-эътибор қозонди. Санъат асари даражасига етган буюмлари билан дунё сайёҳларини лол қолдирди. Ҳунари ортидан давлатимиз томонидан "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. ЮНЕСКО сертификати ва халқаро дипломига сазовор бўлди.

Ўғли Шавқиддиннинг Германия, Чехия, Россия давлатларида ўтказилган ҳунармандлар танловларида ғолиб бўлгани бир фахрига минг фахр қўшди. Уста ҳамиша ота касбини танлаб адашмагани ва бу бебаҳо меросни ўғли ва набираларида кўраётганидан Яратганга шукрлар айтади.

Англаганим: кимки ота изидан юрса, барака ва бахт ҳам унинг томонида бўлар экан.

**Гулчеҳра МИРЗАЕВА**

**ЎЗЛИККА НАЗАР**

— Қўшни, шу десангиз кеча ўғлим бир ресторанга оборди денг. Қўлимни ювай десам бурагич йўқ. Шўринг қурғур узилиб тушибди-да, деб кетаётсам битта қиз келиб, "Холажон, қўлингизни тутсангиз ўзи сув тушади", деди. Ростдан қўлимни тутиб турсам сув келади, олсам тўхтайди. Ёқамни ушлаб қолдим. Сочиқ қидирсам йўқ. Шундай катта ресторанда сочиқ бўлмаса-я, деб турсам бир аёл келиб деворга осилган тўртбурчак нарсага қўлини тутиб қуритиб кетти. Кўрсангиз антиқа экан, шамол қилиб ўзи қуритиб қўяркан, қўлингизни.

# "Тиниб-тинчимаган одамлар-ей, нималарни ўйлаб топишмайди-я..."

Тиниб-тинчимаган одамлар-ей, нималарни ўйлаб топишмайди-я!.. У нимаси бўлди энди? Товба. Шунақаям бўларкан-да...

Ҳа, юртимизда истеъмолга шамол тезлигида кириб келаётган замонавий технологиялар, атрофдаги янгиликлар кишининг ақлини шошириб қўяди. Бир нуроний онахондан эшитгандим: телевизор энди пайдо бўлган пайтлар аёллар унга қарашга қўрққан, "Юзимизни номаҳрамга кўрсатмаймиз", деб телевизорга яқинлашмаган. "Қора қутида шайтон гапиряпти", деб радиони қабул қилишлари ҳам мушкул бўлган экан. Ўшанда бу менга кулгили, ажабланарли туюлганди. Бугун эса ўзимиз ҳам шундай янгиликлардан, ўзгаришлардан лолмиз. Яқинда дугонам билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига бордик. Китоблардан фойдаланиб, ул-бул олиш мақсадида ошхонани қидирдик. Олдимиздан турли ширинликлар, ичимликлар қўйилган тўртбурчак кичик савдо дўкончаси чиқиб қолди. Сотувчининг йўлини пойлаб анча хуноб бўлдик. Кейин билсак, кўрсатилган жойга пулимизни узатиб, хоҳлаган нарсамизни олсак бўлар экан. Янгиликлардан бехабар қолганимиз учун ҳолимизга бир кулгимиз келади, бир ачинамиз.

Замон шиддат билан ўзгармоқда. Инсоннинг яшаш шароитини яхшилайдиган, меҳнатини енгиллаштирадиган технологиялар ишлаб чиқариляпти. Уйга кирсангиз ўзи ёнадиган ақлли лампочкалар, домофонлар, эгасини тушуниб оладиган телефонлар, ҳар ерда аҳолининг ҳожатини чиқараётган банкоматлар... Уларнинг рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Гап шундаки, бу каби антиқа воситалардан фойдаланиш маданиятига эгамизми?! Ўзимиз учун яратилаётган қулайликларни асраб-авайлаш борасида савиямиз қониқарлими? Агар "Ҳа", десак, бу асори-атиқалар узоқ вақт хизматимизда бўлиб, турмушимизни файзиёб этади. "Йўқ", десак, эътиборсизлигимиз, масъулиятсизлигимиз туфайли уларни кўча безорилар синдириб, ишдан чиқариб, "обрў"ларини тушириб юраверади.

Бугун давлатимиз томонидан жамоат жойларда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш мақсадида замонавий технологиялар ёрдамида инсон учун керакли шарт-шароитлар яратилмоқда ва улар бутун жамоат мулки ҳисобланади. Жамоат мулки бу — сизнинг, бизнинг, ўғлингиз, қизингиз, акангиз, опангизнинг мулки. Уни асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг бурчимиз. Халқимизда шундай тушунчага эга бўлмаган, ўз нафсинигина ўйлайдиган кимсалар ҳам борлиги кишининг таъбини хира қилади. Олой бозори яқинидаги бекатга ўрнатилган қўл тозалаш воситалари қўпориб кетилганидан хабарингиз бўлса керак. Бу очкўзликми ё маданиятсизлик унсури? Ахир, буларнинг бари биз учун — бизнинг соғлом турмуш тарзимиз ва кўча-кўйда ҳам қўлларимизни тозалаш имконини яратиш учун ўрнатилган-ку!

Жамият ва инсон — бу икки тушунча бир-бирига узвий боғлиқ. Инсон, аввало, шу ватанга, халққа, жамиятга дахлдорлик ҳисси билан яшаши керак. Менинг ютуғим халқимники, менинг мувафаққиятсизлигим жамиятимга зарар, мен давлат мулкини ҳимоя қилишим керак, каби тушунчага эга инсон ҳеч қачон ноқонуний ҳаракатлар қилмайди. Ҳар бир ишида жамият, қолаверса, ўз обрўсини ўйлайди. Тасаввур қилайлик, айрим ривожланган мамлакатлардаги каби, масалан, Сирдарёнинг кимсасиз йўл ёқаларида, ичи пулга тўла банкомат ўрнатилди, дейлик. Эрталабгача зиён-заҳмат етмаслигига кафолат бера оламизми? Даргумон! Масаланинг муҳимлиги, ўйлантирадиган жиҳати ҳам шунда!

Мамлакатимиз кундан кунга чирой очиб боряпти. Ривожланган мамлакатлардаги инсонлар учун яратилган шароитлар аста-секинлик билан юртимизда ҳам юз кўрсатмоқда. Давлатимиз мулкига эътиборли бўлайлик, бир тану бир жон бўлиб ҳимоя қилайлик. Шундагина ватанимиз бундан-да гўзал, обод бўлади.

Қалбимизга экилган маданият уруғини кўкартириш ҳам, пайҳон қилиш ҳам ўз қўлимизда!

**Шоҳсанам КОМИЛОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

# ТОЗАЛИК — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ**

Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан жойларда "Касаба уюшмалари болаларга" акцияси доирасида тадбирлар ўтказилмоқда.

Қўшработ туманидаги умумтаълим мактабларида ташкил этилган "Тозалик, озодалик — саломатлик гарови" шиори остидаги тадбирда мутахассислар томонидан ўқувчиларнинг тиббий маданиятини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган тавсия ва маслаҳатлар берилди. Биринчи синфга қабул қилинган болаларга шахсий гигиена воситалари жамланмаси топширилди.

— "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Маҳмуд Бобоёров. — Республика касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг мазкур акцияси ҳам ушбу йўналишдаги ишларнинг навбатдагиси бўлиб, Қўшработдаги қирққа яқин мактаб ўқувчиларига шахсий гигиена воситалари берилди. Бу уларнинг соғлом турмуш асосларига риоя этган ҳолда ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб ўсишига ёрдам беради.

Тадбир давомида таълим муассасаларида туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари томонидан саломатлик машғулотлари олиб борилди.

— Қарийб ўттиз йилдан буён бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бераман, — дейди тумандаги 56-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шоира Ражабова. — Кейинги йилларда таълим муассасаларига келаётган болаларнинг жисмоний ривожланиши, тафаккур ва дунёқарашидаги ўсишни кўриб, қалбимиз фахрга тўлади. Бу юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсиши учун яратилган имкониятлар, давлатимиз томонидан кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Эзгу мақсад йўлидаги бу тадбирларда юртимиздаги жамоат ташкилотларининг ҳам фаол иштирок этаётгани эътиборлидир.

Шундай тадбир Пахтачи туманида ҳам ўтказилди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири**

# Интернет журналистиками?

**НУҚТАИ-НАЗАР**

**Оммавий ахборот воситалари деганда, газета, журнал, телевидение, радио тушунилади. Аммо XXI асрга келиб, янги технологияларнинг ижтимоий ҳаётга кириб келиши ва оммалашуви ОАВ турларининг кенгайишига сабаб бўлди. Эндиликда матбуот, телевидение, радио қаторида "интернет" тушунчаси ҳам кенг қўллана бошлади.**



Интернет ахборотларни кенг жамоатчиликка етказиш борасида бошқа ОАВдан илдамлаб ҳам кетди. Албатта, бунда унинг барча турдаги – тасвирий, ёзувли, график, аудио ахборотларни ўзида жамлаш хусусияти ҳамда жараённинг тезкорлиги назарда тутилади.

www.wikipedia.ru сайтида оммавий ахборот воситалари атамаси шундай изоҳланади: "Оммавий ахборот воситалари – техник воситалар ёрдамида оммавий информацияларни узатувчи тизим". Бу жиҳатдан олиб қараганда, интернетни мана шундай воситалардан бири сифатида эътироф этиш нотўғри бўлмайди. Аммо бугунги кунда тўлалигича ўз ечимини топмаган масала бор, яъни интернетни журналистиканинг бир кўриниши, дея оламизми? Айрим мутахассислар бу саволга ижобий жавоб беришган. Масалан, тадқиқотчилар А.Калмиков, Л.Кохановаларнинг "Интернет журналистика" асарида бу тушунчага шундай таъриф беради: "Интернет-журналистика – бу – янги, сифатли маданий ҳодиса бўлиб, у ўзида долзарб информацион образларни намоён этади ҳамда бу образларни нафақат сўз, балки расм, сурат, кино, видео, овоз, веб-саҳифа орқали етказиб беради". Аммо бу таъриф кўпроқ интернетнинг ОАВ тури сифатидаги ўрнини кўрсатади. Чунки журналистика атамасининг ўзи анча кенг маъно-мазмунга эга.

"Журналистика (фр. journal – кундалик, jour – кун) – замонавий ҳаётнинг энг муҳим ижтимоий ҳодисаларидан бири, оммавий-информацион фаолиятнинг кўриниши бўлиб, у шахслар, жамоалар ва бутун жамият, шунингдек, турли ижтимоий соҳалар ва ҳаттоки авлодлар ўртасидаги узлуксиз ўзаро таъсирни таъминлайди. Журналистик фаолият жараёни омма учун муҳим бўлган долзарб ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва даврий тарқатишдан ташкил топади", деб ёзади тадқиқотчи В.Цвик.

Интернетни журналистиканинг кўриниши эканини эътироф этиш-этмаслик масаласидан олдин уни бир неча жиҳат бўйича таҳлил қилиб чиқиш лозим. Энг аввало, журналистика соҳаси ўз фаолияти давомида бажарадиган вазифаларнинг интернетда қанчалик амал қилишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Журналистиканинг энг асосий ва биринчи вазифаси – ахборот бериш, яъни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида жамоатчиликни бохабар қилиш. Матбуот, телевидение, радио орқали узатилаётган ахборотлар замирида ушбу вазифанинг амалга оширилишини кузатиш мумкин. Бу жиҳатдан интернет ҳам оммага ахборотларни етказиш бўйича ортда қолмаётганини эътироф этиш лозим. Айниқса, йирик ахборот агентликларининг интернет сайтлари – cnn.com, reuters.com, ap.org, upi.com кабилар анча фаолдир.

Журналистиканинг мафкуравий вазифаси бажарилиши орқали омма фикри шаклланади, муайян воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабат уйғотади. Бу жиҳатдан олиб қараганда, интернетдаги ахборотлар ҳам ушбу вазифани амалга оширишга хизмат қилаётганини кўриш мумкин. Зеро, веб-сайтларда эълон қилинган янгиликлар, хабарлар қаторида жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабат, фикр, мулоҳазаларни ўзида мужассам этган материаллар кўплаб кузатилади. Шунингдек, интернетда журналистиканинг рекреатив, коммуникатив ва шу каби бошқа вазифалари ҳам бажарилаётганини кўриш мумкин. Аммо у журналистика соҳаси амал қиладиган тамойилларга бўйсунадими? Тамойиллар нафақат журналистикада, балки барча жабҳаларда муҳим. Улар ҳар бир соҳа фаолиятини тартибга солиб туришга хизмат қилади. Принцип лотинча сўздан олинган бўлиб, ибтидо, бошланиш деган маъноларни англатади. "Журналистнинг принциплилиги унинг фаолиятидаги энг муҳим йўналтирувчилардан бири ҳисобланади", дейилади "Журналистика назариясига кириш" китобида. Шу туфайли интернет фаолиятини бу жиҳатдан ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек журналистикасида бир қанча принциплар ажратиб кўрсатилади. Масалан, холислик ва ҳаққонийликка риоя қилиш ҳар бир журналист учун мажбурийдир. Ҳаққонийлик деганда, аудиторияга узатилаётган ахборотларнинг фактлар асосига қурилгани назарда тутилади. Яъни бунда ёлғон, тўқима, ғийбат, миш-миш, туҳматларга йўл қўйилмайди. Агар журналист ўз фаолиятида буларга йўл қўйса, у касбий бурчини адо этмаган бўлади. Бугунги кунда интернетда сайт очиш ва у орқали ахборот узатиш қийин иш эмас. Шу сабабли веб-сайтлардаги турли ахборотлар орасидан ҳаққонийларини ажратиб олиш мураккаблашиб бормоқда. Масалан, шоу-бизнес оламидаги янгиликларни бериб борадиган © Shok.uz сайтининг фаолиятида бундай ҳолатларни кўплаб кузатиш мумкин. "Нилуфар турмуш қургани ростми?" номи остида эълон қилинган матнда шундай жумлалар учрайди: "Гап-сўзларга кўра хонанда ҳеч кимга ошкор қилмасдан никоҳ тўйини ўтказиб, турмуш қурган эмиш. Ижодда камнамо бўлиб қолганининг сабабини шунга йўйишмоқда". Сайтда бу каби миш-миш маълумотларнинг берилиши унинг журналистика соҳаси принципларига зид эканини исботлайди. Бу сайтни ОАВ тури сифатида кўрсатиш мумкиндир, аммо журналистиканинг бир кўриниши дея эътироф эта оламизми?

Ёки умуминсонийлик принципи ҳақида гап кетганда, инсон, унинг қадрланиши камситиш, кесатиқ, ҳақоратларга йўл қўйилмаслик каби қоидалар назарда тутилади. Аммо бугунги кунда бузғунчи ғояларни ташувчи, инсоният, унинг қадриятларини таҳқирловчи сайтларни мавжуд эмас дея оламизми? Ёхуд яна © Shok.uz сайтидаги "Жасур Гаипов ўзи ёш болаю, лекин қиз фарзандлик бўлди... Табриклаймиз!" номли янгиликда умуминсонийлик принципининг бузилиш ҳолатига гувоҳ бўлиш мумкин. Бундай сарлавҳани ўқиган интернет фойдаланувчиларида янгиликка қолдирилган изоҳлар орқали ушбу хонанданинг ёши борасидаги таажжублар пайдо бўлгани кузатилади. Аслида эса Жасур Гаипов 1988 йилда туғилган бўлиб, унинг "ёш бола" дея аталиши ҳам камситиш, ҳам ҳақорат сифатида қабул қилинишига олиб келади.

Бундан ташқари, журналистикада холислик (объективлик) принципи ҳам мавжуд бўлиб, бунда ҳар бир воқеа-ҳодисага нисбатан унинг барча томонларини ўрганган ҳолда ёндашиш, шахсий хусумат, ҳис-туйғуларга берилиш натижасида субъектив қарашларни омма онгига сингдирмаслик каби қоидалар назарда тутилади. Жумладан, сўз юритилаётган веб-сайтда " Ucellга нима бўлган ўзи?!" номли матнда ушбу тармоқ фаолиятидаги камчиликлар танқид қилинган, аммо бу танқидий фикрлар субъектив билдирилган бўлиб, ҳеч қандай факт ва далиллар келтирилмаган.

Интернетда бу каби журналистик принципларнинг бузилиш ҳолатларини тез-тез кузатиш мумкин. Журналистика ўз фаолиятини амалга ошириши лозим бўлган вазифалари ҳамда уларни бажариш жараёнида амал қиладиган принциплар асосига қурар экан, бундай ҳолатлар интернет журналистиканинг бир кўриниши бўла олиш-олмаслиги борасида аниқ фикрни айтишга тўсиқ бўлмоқда. Умуман олганда, веб-сайтларни яратиш, уларни юритиш борасида маълум қонун-қоидалар ишлаб чиқилмаса, интернет фақатгина ОАВ тури бўлиб қолавериши ҳам мумкин.

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

**ДУНЁНИНГ ЕТАКЧИ НАШРЛАРИ**


"All the News That's Fit to Print"
The New York Times
VOL.CLXV . . . . No. 57,071
SATURDAY, DECEMBER 5, 2015
F.B.I. IS TREATING RAMPAGE AS ACT OF TERRORISM
EDITORIAL
The Gun Epidemic
All decent people feel sorrow and righteous fury about the latest slaughter of innocents, in California. Law enforcement and intelligence agencies are searching for motivations, including the vital question of how the murderers might have been connected to international terrorism. That is right and proper.
But motives do not matter to the dead in California, nor did they in Colorado, Oregon, South Carolina, Virginia, Connecticut and far too many other places. The attention and anger of Americans also should be directed at the elected leaders whose job is to keep us safe but who place a higher premium on the money and political power of an industry dedicated to profiting from the unfettered spread of ever more powerful firearms.
It is a moral outrage and a national disgrace that
NEW CLUES FOUND
Woman Said to Have Posted a Facebook Pledge to ISIS
By MICHAEL S. SCHMIDT and RICHARD PÉREZ-PEÑA
WASHINGTON — On the day she and her husband killed 14 people and injured 21 others in San Bernardino, Calif., a woman pledged allegiance to the Islamic State in a Facebook post, officials said Friday, as the F.B.I. announced that it was treating the massacre as an act of terrorism.
"The investi-

**"НЬЮ-ЙОРК ТАЙМС"** – Американинг энг қадимий ва машҳур кунлик нашрларидан бири. Журналист ва сиёсатчи Генри Жарвис Раймонд ташаббуси билан ташкил қилинган ва 1851 йил 18 сентябрдан чоп этиб келинмоқда. Ададининг юқорилиги жиҳатдан мамлакатда иккинчи, дунёда 39-ўринда туради. Газета ҳудудий нашр сифатида ташкил этилган бўлса-да, бугунги кунда кўпгина давлатларга тарқалади. «Нью-Йорк Таймс»нинг веб-сайти ҳам етакчи сайтлардан бўлиб, ойига 30 миллион фойдаланувчиси бор. Аввалига газетанинг шиори "Чоп этилиши мумкин бўлган барча янгиликлар бизда!" бўлган. Сайт иши йўлга қўйилгач, уни қуйидагидек ўзгартиришга тўғри келди: "Сиз истаётган янгиликлар – бизда!".

Мамлакатда фуқаролар уруши авж олган даврда армия сафига чақирув муносабати билан исён кўтарилиб, 1863 йил 13 июль куни «Нью Йорк Таймс»нинг бош офисига ҳам ҳужум қилинади. Шундан сўнг бироз вақт ўтиб, 1870-йилларда газета мавқеи яна қайта тикланади. Айниқса, шаҳар демократик партияси раҳбари Уильям Твиднинг кирдикорларини фош этувчи мақолалар чоп этила бошлангач, мазкур нашрга омманинг эътибори кучаяди.

1884 йилда демократ Гровер Кливленд (Нью-Йорк штатининг собиқ губернаторларидан бири) ўзининг илк президентлик кампанияси даврида газетани қўллаб-қувватлайди. Бу вақтга келиб, нашр юқори қатламга кирувчи, консерватор ва бизнесмен ўқувчиларини йўқота бошлаган эди. Бир неча йил ичида газета ана шу мавқедаги ўқувчиларини тўплай олди ҳамда ўзининг адолат ва холисликка асосланган фаолиятини давом эттириб, шуҳратини тиклади.

1896 йилга келиб, «Нью-Йорк Таймс» ношир Адольф Окс қўлига ўтди. У нашр шиорини ўзгартириб, яна дастлабки "Чоп этилиши мумкин бўлган барча янгиликлар бизда!" вариантини танлади. Мазкур шиор биринчи саҳифнинг чап томони тепа қисмида сўнгги 120 йил мобайнида сақланиб келди. Бу билан Окс рақиблари Жозеф Пулитцернинг "Нью-Йорк Ворлд" ва Уильям Рендольфнинг "Йью-Йорк журнали"га зарба берганди гўё. У Генри Раймонд анъаналарини давом эттириши натижасида нашрнинг халқаро нуфузи, мавқеи ва адади ошиб борди. 1910 йилдан бошлаб газета ҳаво лайнерлари орқали Филадельфияга, 1919 йилдан Лондон, 1920 йилдан Чикагога етиб борди.

1970-йилларга келиб, газета тематикаси анча кенгайди, махсус ҳафталик секция ташкил қилиниб, доимги янгиликларни тўлдириб борувчи мақолалар, спорт хабарлари берила бошланди. "Янгиликлар", Акс-садо", "Бизнес", "Спорт", "Фан", "Санъат", "Услуб" сингари рукнлар кўпайиб борди. Газетанинг 1997 йил 16 сентябрь сонидан бошлаб рангли чоп этиш йўлга қўйилган.

2000-йиллардан сўнг газетанинг тиражи бирмунча камайиб борди. 2009 йилда 928 000 нусхага тушди. 1980 йилдан сўнг нашр илк бор миллиондан пастга тушган эди. 2010 йилда эса бегим кунлари 906 100, якшанбада 1 356 800 нусхада чоп этилган. Ҳозир эса якшанбада 1 352 358, қолган кунлари 876 638 нусхада босилиб чиқмоқда. "Нью-Йорк Таймс" агломерация (қурама)си душанбадан шанбагача бўлган сонлари 1 доллар, якшанба ва махсус сонлар 3,5 долларни ташкил этади. Газета нафақат ўзининг штаб-квартираси, балки 16 та янгиликлар бюроси, 11 та миллий ахборот бюроси ва 26 та хорижий ахборот бюросига эга.

2009 йил 20 январда мексикалик телекоммуникация магнати, дунёнинг иккинчи рақамли бадавлат кишиси Карлос Слим «Нью-Йорк Таймс»нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 250 миллион доллар қарз беришини эълон қилади. 2011 йилга келиб, у газетанинг 8,1 фоиз акциясига эгалик қилиши маълум бўлди. 2014 йилдан эътиборан газетага америкалик журналист, Пулитцер мукофоти соҳиби Дин Бакет раҳбарлик қилиб келмоқда.

Нашр учта катта бўлимдан иборат бўлиб, улар турли соҳаларни қамраб олади: миллий, пойтахт миқёсида, бизнес, технология, фан, соғлиқни сақлаш, спорт, метрополитен, таълим, об-ҳаво ва таъзиялардан иборат янгиликлар. Таҳририят мақолалари, ташқи муаллифлар ҳамда таҳририятга йўлланган мактубларни жамловчи фикр-мулоҳазалар. Санъат, кино, театр, саёҳат, урф ва услуб, хонадон ва боғ, овқатланиш маданияти, кроссвордларни жамловчи кўнгилочар бўлим.

Нашрнинг интернет версияси 1996 йилдан йўлга қўйилган. 2005 йилга келиб, ундан фойдаланувчилар сони 555 миллионга етган, 2008 йилда эса сайтга кунлик кирувчилар 146 миллион кишини ташкил этган. 2012 йилдан сайт хитой тилида янгиликлар бера бошлади. Бир йил ўтгач, португал тилида бериладиган бўлим пайдо бўлади. Кейинроқ Канада давлати ва қатор нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар амалга оширилган.

Айни пайтда "Microsoft" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этган мобиль версияси ҳам бор. Фойдаланувчилар мобиль телефонлари орқали материалларни бепул юклаб олишлари ва рекламалар жойлаштиришлари мумкин.

«Нью-Йорк Таймс» нашрлар орасида энг кўп – 117 марта Пулитцер мукофотини, 4 марта Пибоди совринини қўлга киритган.

**Х. ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**

# "ЎЙЛАБ ГАПИР, МУХБИР ЎТИРИБДИ..."

## Ёхуд айримлар нега ОАВ ходимларидан ўзини олиб қочади?

**ОЧИҚ ГАП**

**Иш юзасидан ташкилот ва идоралар раҳбарлари билан тез-тез учрашиб туришга тўғри келади. Яшириб нима қилдик, бу борадаги ўзаро муносабатларимиз ҳамиша ҳам силлиқ кечади деб айтолмаймиз. Баъзан мулоқотларда ўртамизда аллақандай кўринмас девор бордек туюлади. Йўқ, бу билан журналистни киришимли эмасликда айблашга шошилманг, илтимос. У ўзига берилган топшириқни сидқидилдан бажаришга киришар экан, касбий тамойилларига содиқ қолади: бор имкониятини ишга солиб, керакли масъул шахсдан маълумот олишга тиришади. Аммо...**



Тажрибали журналист Сафар Остоновнинг бир мақоласида шундай дейилади: "Фикр айтишдан ўзини четга олиш, сиёсий баҳс-мунозарадан ҳайиқиш ҳоллари ҳамон учраб турибди... Айрим раҳбарлар "матбуот саволига жавоб беришга мажбур эмасман" деган кайфиятда юради. "Биз давлат идорасимиз, сиёсий партия газетаси ишимизга нега аралашади?" дея ўзининг савиясини билдириб қўйганларни ҳам учратдик... Муносабат билдиришдан қочиш, сиёсий баҳс-мунозарага киришишдан тортинишнинг асосий сабаби – бехабарлик! Ён-атрофда, дунёда бўлаётган янгиликлар ва ўзгаришларни кузатиб бормаган, ҳаётнинг кўндаланг қўяётган муаммоларидан огоҳ бўлмаган одам қандай қилиб фикр айтиши мумкин?!" Мен ушбу жумлани мана бундай давом эттиришни хоҳлардим: "...Энг ачинарлиси, ҳатто ўзи бошқараётган ташкилот, корхона ёки муассасанинг жамиятдаги ўрни, ходимлар ва улар ҳақидаги асосий маълумотларни билмайдиган раҳбарларнинг борлигидир!"

Менинг назаримда, қуйидаги тўрт масала кишини жуда ўйлантиради: Журналистни менсимаслик, у билан "битим" тузиш, қўшиб ёзиш ва танқидий, мақтов саҳифа-материаллар, мақолалар тайёрлаш!

Демак, келтириб ўтганларимизнинг биринчиси – журналистни менсимаслик ёки унинг фаолиятига бефарқ бўлиш ҳақида юқорида гапириб ўтилди. Унга жиндай қўшимча қилиб айтамизки, раҳбар ҳузурига жамият учун зарур бўлган ахборотни сўраб келган инсонни менсимаслиги билан аслида ўзининг маънавий қиёфасини кўрсатиб қўяди, холос.

Яқинда таҳририят топшириғи билан Наманган вилоятидаги мактаблардан бирида бўлдим. Директор билан учрашиб, унинг фикрини олишга тўғри келди. Бусиз иш битмасди. Сиз билан гаплашиб олишимиз керак, деганимга қарамай, мактаб директори: "Ўринбосарим билан гаплаша қолинг, у гапга устароқ, газетабоп қилиб гапириб беради" деб чиқиб кетди...

Яна мисол. Хизмат юзасидан бир ташкилотга борганимда, раҳбар ўрнида "маҳкам" ўтирган ҳолда, "ўртоқ мухбир, биз ўтган шанбаликда ташкилотимизни топ-тоза қилиб қўйдик, мундоғ аппарат-паппарат билан келиб суратга олиб, бизни ҳам мактаб ёзсаларинг бўлмайдими?!" дея буйруқ ва норизо оҳангда гап қотди...

Айрим раҳбарларга "кутиб олиш одоби" ҳақида гапирмасам-да, қуйидагини уларга илинсам: Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонунининг 7-моддаси: "Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилот ва мансабдор шахслар (раҳбарлар) ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбур. Ахборот олиш имконияти тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади".

Журналист ва раҳбар "битим"и, қўшиб ёзиш, танқидий ва мақтов материаллар, мақолалар тайёрлаш – буларнинг учаласи ҳам бевосита бир-бири билан боғлиқ. Дейлик, газета мухбири бирор муассасада бўлаётган тадбирни ёритиш учун келди. Раҳбар унга яхши муомалада бўлади, "бир пиёла чой" дегандек ёки уни бошқа йўллар билан рози қилиш – ҳаркалай, мухбирнинг кўнглини овлаш билан банд бўлади. Раҳбар ушбу тадбир, муассаса ҳақида фақат яхши гаплар, ютуқларнинг ёзилишини жуда хоҳлаши табиий. Мухбир нима қилади, "бир кун туз еган жойингга, қирқ кун салом бер" мақолига таяниб иш тутадими? Раҳбар "келинг энди, мухбир ука (ёки ака, опа, сингил) шу тадбирни, иш фаолиятимизни яхшилаб ёзинг, биз ҳам бир шов-шув бўлайлик, юқоридагилар кўриб қўйишсин, нима ишлар қилаётганимизни!". Ёки "ука, газетада чиқишни хушламаймиз. Кўпчиликка достон қилишнинг нима кераги бор. Ёзманг! Сизни ҳам...", деса мухбир "хўп" дейдими? Нима, сени ош-нон билан қарздор қилиб қўйсалар-да, кейин улар нима дейишса, шуни қилсанг?! Ахир, бу мухбирнинг буюртмачи бўлиб қолиши эмасми?

Ҳақиқий журналист – виждонли шахс! Тўғри одам бўлиш йўли эса ҳеч кимнинг олдида беркитилмаган". Буюк адиб Толстой шу фикрга ҳамоҳанг тарзда "Бурчингни адо этишга тиришиб кўр. Ундан кейин ўз қадр-қимматингни билиб оларсан!", деганида ҳақ эди.

Энг ёмони, раҳбарлардан фикр сўралса, "Ўзингиз билиб, қойиллатиб ёзиб юбораверинг. Биз газета тилини тушунмасак, сиз бунга устасизку!", дейишларидир. Шу ўринда, адибимиз Хуршид Дўстмуҳаммаднинг аччиққина гапини келтирмоқчиман: "Қачонгача бировлар учун ёзамиз, бировларга фикримизни берамиз, бировларнинг хатоларини тўғрилаймиз. Бу ахир қўшиб ёзишнинг ўзику?!.."

"Пашша ва амалдорни газета билан уриб ўлдирса бўлади", дейилган пайтлар, яъни қизил мафкура матбуотидагидек, газетадан қурол сифатида фойдаланиш даврлари ўтиб кетди. Бу эса моҳир публицист А.Мелибоев айтганидек, "журналистнинг тили узун, қўли қисқа, дегани эмас!" Ҳозирги замоннинг одамлари ҳадеганда танқиддан қўрқишавермайди, лекин танқидни ҳам кўтармайдилар... Мулоҳазаларимиз танқид ва мақтов ҳақида бораётган экан, "Қирқ бешинчи бекат" (А.Мелибоев) китобидан қуйидагиларни келтира қолай: Биринчиси, "Мақтасак – Асқартоғдан ошириб юборамиз, танқид қилсак – Абу Муслимнинг табари зарби ҳам ип эшолмайди!". Иккинчиси, "Билинг, яхши маҳсулот ҳеч қачон рекламага муҳтож бўлмайди!". Келтирилган иккала фикрга ҳам ортиқча изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Икки-уч ой аввал бир коллежда бўлиб ўтган давра суҳбатида иштирок этганимда ўйлашга мажбур этадиган воқеа юз берди. Очиқ мулоқот ҳуқуқий соҳага бағишланганди. Ўқувчилар савол берар, юқори ташкилотдан таклиф этилган меҳмонлар жавоб қайтаришарди. Нимадир бўлди-ю, бир ўқувчи ўрнидан туриб, уларга савол билан мурожаат қилди. Савол бироз ўринсизроқ ёки мураккаброқ эканми, ғалағовур бўлиб кетди – даврани директор бошқараётган эди – у бирдан ўрнидан турди-да, вазиятдан чиқиб кетиш мақсадида: "Бу ерда матбуот вакиллари ўтиришибди. Нега ўзингча бундай савол ташладинг, ахир, бериладиган саволлар олдиндан тайёрлаб қўйилгандику?", деса бўладими?! Бу гапи билан директор ўз сирини оғзидан "тушириб" қўйганини билмасди! Одатда эса, очиқ мулоқотда ҳамма ўзининг қизиқтирган, қийнаган саволига жавоб сўрайди. Ўзингиз айтингчи, шундан кейин ўша ерда ўтирган йигит-қизлар эркин фикрлай оладими? Дилидагини айтса, директорлари жазоламайдими?..

Мақталган раҳбар мухбир ва муҳаррирни бир қўли билан, танқид қилинган раҳбар эса икки қўли билан қучоқ очиб кутиб олади! Нега?! Чунки ОАВ вакилларидан эҳтиёт бўлишни мақталган раҳбардан кўра, танқид қилинган раҳбар яхшироқ тушунади. Нима бўлганда ҳам, мақсадимиз нафақат раҳбарлар, балки барча одамларга матбуотнинг "огоҳ этувчилик" функцияси яна ҳам фаол ишлаётганлигини эслатиб қўйишдир.

Матбуот – мулоҳазалар, таҳлиллар, муносабатлар, фикрлар хилма-хиллигининг холис минбари бўлиб қолаверсин-да, бизлар тажрибали устозлар йўлидан оғишмай бораверайлик!

**Орифжон ЖЎРАЕВ,**
**"Наманган садоси" газетаси махсус мухбири**

# Маънавий жасорат ибрати

Бошланиши 1-бетда

Ҳиндистон озодлигининг улкан арбоби, номининг маъноси «буюк қалб эгаси» деган ном олган Маҳатма Ганди ҳам қадимий юрт раҳнамоси, донишманд файласуф ва олим сифатида маънавий жасорат соҳибидир. Президентимиз Маҳатма Гандидек улкан давлат арбобининг донишмандлик ва ақл-тафаккур билан йўғрилган маънавий жасоратини қисқа сатрларда ғоятда теран умумлаштириб берган:

**«Бутун умр оддий ва камтарона, лекин эзгу ғоялар йўлида тинимсиз курашиб яшаган бу зотнинг фалсафий-сиёсий қарашларида инсоният учун ибратли жиҳатлар кўп. Жумладан, унинг турли муаммо ва зиддиятларни куч ишлатмасдан, тинч йўл билан ҳал қилишга оид фикрлари дунё давлатлари ўртасидаги муносабатларда, ижтимоий ҳамкорлик масаласида бугун ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмасдан келмоқда»**, дейилади ўша манбада.

Мантиқан ҳис қиламизки, қизил империя чангалидан қутулиб, ўзининг сиёсий ва маънавий мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон ва унинг эркпарвар фарзандлари учун ҳинд халқини инглиз мустамлакасидан халос этган Маҳатма Гандининг жасоратли тажрибалари ҳам анча-мунча қадрли бўлган. Ислом Каримов халқимиз ўз тарихи давомида содир бўлган ҳар қандай тўфон ва суронларни мардона енгиб ўтишида унга маънавий жасорат туйғуси ёрдам бериб келаётганлигини ижтимоий салмоқдор умумлашма билан таъкидлайди. Масалан, ҳарбий зафарлар, улкан кашфиётлар, маърифат машъалини баланд кўтариб жаҳолатга қарши чиқишга ундаган, илҳомлантирган бекиёс куч ҳам маънавий жасорат экани Президентимиз эътиборида туради.

**«Шу нуқтаи назардан қараганда,** — дея уқтиради муаллиф, **— Урганчни босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган Нажмиддин Кубронинг қаҳрамонлигида, дунёни тўфондек босган Чингизхон қўшинига қарши ўн бир йил муттасил мардона кураш олиб борган Жалолиддин Мангубердининг жанговар руҳида, юртимизни истилочилардан озод қилиб, буюк давлат барпо этган Амир Темур бобомизнинг бунёдкорлик салоҳиятида ҳам маънавий жасорат туйғуси буюк ва устувор аҳамият касб этгани шубҳасиз, албатта»**.

Булар каби юксак инсоний улуғворлик идеаллари бўлган зотлар миллий истиқлол мафкураси, комил инсон тарбияси тизимида баркамолликнинг, маънавий жасоратнинг энг ёрқин намуналари ҳисобланадилар. Мана шундай маънавий жасорат соҳиблари эканликлари учун ҳам Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурдек зотларнинг шўро сиёсати ҳукмрон даврда номлари ва жасоратлари қатағон қилинган эди. Чунки бу сиймолар чинакам миллий ватанпарварликнинг, эркин давлат бунёдкорлигининг, миллат фахрининг рамзи, асосчиси каби мўътабар тарихий зотлардир.

Донишманд Юртбошимизнинг зийрак нигоҳидан маънавий жасоратнинг XX-XXI асрлардаги айрим намояндаларининг ибратли фаолияти ҳам четда қолмаган. Булар — машҳур археолог олим, академик Яҳё Ғуломов, аёл нафосати ва садоқатининг гўзал намунаси бўлган ҳассос шоира Зулфия, таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддиновлардир. Шўро сиёсати зуғумларини чекиб бўлса-да, халқ миллий тарихи ва маънавиятининг ажралмас қисми бўлмиш мўътабар масканларда сабот билан қазилма — тадқиқот ишларини олиб борган Яҳё Ғуломов шахсияти илмпарварлик, миллий-маънавий фидойилик рамзи каби бугун унинг эли ўз мустақиллигига эришган кунларда янада қадр-қиммат касб этмоқда. Тарихий тепаликларга пахта экишга йўл қўймаган академик Яҳё Ғуломовнинг қаттиқ тазйиқларга учраса-да, ўз нуқтаи назарида қаттиқ турганлиги чинакам маънавий жасорат намунасидир.

**«Мен ўйлайманки,** — дея мамнуният билан қайд қилган эди Ислом Каримов, **— адолатни ҳамма нарсадан устун деб биладиган, тарих ва келажак олдидаги масъулиятни ҳис этадиган, ҳақиқий ватанпарвар одамгина шундай мардликка қодир бўлади»**.

**— 1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик — XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз**.

Аслидаям инсоний улуғворлик идеалининг мукаммал намунаси ва рамзи муҳтарам Юртбошимизнинг ўзлари ҳисобланади. Бинобарин, биз баркамоллик ибратини, тарбиявий намунасини энг аввало буюк маънавий жасорат соҳиби бўлган у кишининг салоҳиятидан излашимиз ва ул зотнинг таълимотига таянишимиз лозим бўлади.

Ислом Каримовнинг комил шахс ва адолатли Президент сифатида жасоратли фаолиятининг доираси анча кенг, ёрқин ҳаётий воқеаларга бой. Булар орасида мустақиллик душманларига, турли бузғунчи ва экстремистик кучларга қарши дадил курашдаги жасоратли ҳаракатлар кўлами алоҳида ажралиб туради. 1990 йил 24 мартда собиқ иттифоқ республикалари ўртасида биринчи бўлиб Президентлик институтини ташкил этилишининг ўзи Ислом Каримов маънавий жасоратининг ёрқин намунаси эди. Бунда Ўш-Ўзганда, Фарғона ва Паркентдаги, Тошкент ва Андижондаги бемаврид можароларни, кўпорувчилик ҳаракатларини бартараф этишдаги, мустақилликка тажовуз қилган экстермистик қора гуруҳлар қутқусига нисбатан мардона келбат билан қарши туриш ҳаракатларидаги Юртбошимизнинг дадил ва оқил фаолияти таҳсинга лойиқ. Бу жасоратли ҳаракатлар дунёдаги таниқли сиймолар томонидан ҳам эътироф этилиши диққат тортардир. Мана, АҚШлик сиёсатшунос ва жамоат арбоби Уэндилл Филипснинг фикрлари:

— Агар Президент Каримов ўз фаолияти давомида фақат қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида Ўш ва Ўзганда бўлган миллатлараро даҳшатли қирғинни тўхтатганда ҳам минглаб кишилар, уларнинг фарзандлари ва набиралари хотирасида сақланиб қолиши мумкин эди. Фарғона ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги қонли тўполонлар чоғида эс-ҳушини йўқотган оломоннинг йўлига ғов бўлгани учун ҳам уни алқаб, раҳматлар айтиб юрган кишилар қанча. Унинг бугунги Тожикистондаги нисбатан осойишталикка қўшган ҳиссасини қандай баҳолаш мумкин?

Ислом Каримов фақат шуни қилганида ҳам, тарих солномачиси қаламини қуёш нурига ботириб, унинг номини бошларимиз узра мовий кенгликларга рақам этиши мумкин эди» (*қаранг: Л.Левитин, С.Карлайл. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. Тошкент — 1996, 156-бет*).

Дарҳақиқат, Ислом Каримовнинг тарих солномачиси қаламини қуёш нурига ботириб, номини мовий кенгликлар узра рақам қилиши мумкин бўлган даражадаги бундай жасоратлари анча кўп ва салмоқли эканлиги маълум ҳақиқатдир.

Мустақиллик арафасидаги она Ватан мавқеи, халқ эрки, миллий-маънавий қадриятлар учун амалга оширган хайрли ишлари Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳаётий фаолиятининг нурли жиҳатларини ташкил этади. Масалан бу борада 1981-1985 йилларда собиқ қизил империя хўжаликларининг «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган қутқуси билан қатағонга учраган минглаб бегуноҳ кишилар, тадбиркор ва халқпарвар раҳбарлар номининг оқланиши, уларнинг ўз оиласи бағрига қайтиши билан боғлиқ жасоратли ҳаракатлар — Ислом Абдуғаниевич жасоратларининг муҳим қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг дил сўзларида Юртбошимизнинг бу борадаги жасоратли фаолияти мазмуни ёрқин аксини топган:

— Ватан озодлиги учун курашган, шу йўлда жон фидо этган Тўмарису Широқ, Муқанною Маҳмуд Торобий, Жалолиддину Соҳибқирон Амир Темур сиймолари доимо дилимизда, халқимиз уларга юксак эҳтиром кўрсатиб келмоқда. Нега деганда, биламизки, озодлик осмондан тушган эмас.

Бунинг далили сифатида яқин ўтмишни, сўнгги қатағон қурбонларини эслаш кифоя, деб ўйлайман. Бундан ўн беш йилча муқаддам халқимизни муте ва оёқости қилиш учун озмунча тажовуз қилиндими, ахир?

«Ўзбеклар иши», «пахта иши» деган уйдирма айб қанча оилани қон қақшатиб юборди, шаънимизни ер билан битта қилди. Одамларни ҳатто «Мен — муттаҳамман», «Мен — порахўрман» дейишгача мажбур этдилар. Бизни уюшган жиноятчиликда айблаб, бутун дунёга номимизни ёмонотлиқ қилмоқчи бўлдилар.

Хўш, бунчалар ҳақорат, бунчалар хўрлик нима учун эди?

Бутун бир халқнинг шаънини топтаб, унинг устидан бўҳтон ҳукм чиқаришга кимнинг ҳаққи бор эди?

Бу адолатсизликдан мақсад — халқнинг руҳини синдириш, ғурурини поймол этиш, ўзига, ўз истиқболига бўлган ишончини сўндириш эди. Аммо ўша нотинч ва мураккаб даврда ҳам ҳақсизликка қарши қатъий туриб, мардонавор курашган, ўз халқини кўкрак кериб ҳимоя қилган шахслар бўлган.

Ислом Каримов Қашқадарё вилоятида раҳбар бўлиб ишлаб юрган чоғларида ноҳақ жабрланган қанчадан-қанча юртдошларимизни қатъий жасорат билан ҳимоя қилганига мен гувоҳман.

Ёдимда, бир сафар қабулига кирсам, у киши жуда ҳорғин қиёфада ўтирган экан, стол устидаги бир тахлам қоғозни мен томонга суриб қўйди. Бу — ноҳақ қамалган, қатағон этилган шўрпешоналар рўйхати эди.

— Буларнинг айби нима? — деди Ислом Абдуғаниевич оғриқ ва изтироб билан. — Ҳар бирининг оиласи, фарзандлари, қариндош-уруғлари бор. Уларни бадном этишдан мақсад нима? Бу ноҳақликнинг олдини олиш, адолатни қарор топтириш, уларни озод этиш керак-ку!...

Ислом Абдуғаниевич қўлимга яна бир қоғозни тутқазди. Бу — бегуноҳ қамалганларни зудлик билан озод этиб, оила аъзолари бағрига қайтариш лозимлиги ҳақидаги талабнома эди. Тўғриси, «юқори»га ёзилган бу расмий хатни ўқиб, менинг аъзои баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Чунки ўша вақтда Москвадан юборилган бу балою офатга қарши чиқиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас эди. Мабодо шундай одам топилгудек бўлса, уни синдириб ташлаш марказ учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасди.

— Бу ишларингиз учун жазолашлари мумкин! — деб, хаёлимга келган фикрни беихтиёр айтиб юбордим.

— Тўғри, лекин томошабин бўлиб ҳам ўтиролмайман, — деди Ислом Абдуғаниевич қатъият билан. — Яқинда ҳузуримга бир аёл арз қилиб келди. Унинг ҳам эрини қамаб қўйишибди. Оғир меҳнатдан қавариб кетган қўлларига разм солиб, бармоқларида узукнинг изини кўрдим. Кейин сўраб билсам, тишининг кавагида асраб юрган қимматбаҳо буюмларига қўшиб, тақиб олган узук ва зирагигача «десантчи»лар ечиб олишибди. Қанчалик оғир бўлмасин, бундай бедодликка чек қўйиш учун мен охиригача курашишга тайёрман...

Ўшанда Ислом Каримов ўз халқи, ўз миллати учун ҳар қандай мушкул юмушни ўз зиммасига олишга тайёр матонатли инсон эканини юракдан ҳис этганман. Қонсираган империя, юрсанг — нега юрасан, тўхтасанг — нега тўхтайсан, турсанг — нега турасан, деб бошимизга тегирмон тошини айлантираётган бир пайтда шундай қатъият кўрсатиш, замона зайлига қарши чиқиш осон бўлган эмас. Бунинг учун халқпарварликнинг ўзи кифоя қилмас эди, бунинг учун одамга битта юрак камлик қиларди.

Ислом Каримовни ҳаётнинг ўзи тарих саҳнасига олиб чиқди. У фақат Йўлбошчи сифатида эмас, балки **жасоратли шахс** сифатида ҳам ҳар биримиз учун ибрат намунасидир.

**Абдуғаффор ХОН,**
**Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик жамиятининг фаоли, адабиётшунос олим, таржимон**

## БУ ТУРФА ОЛАМ

### ХОТИРАНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ОДДИЙ УСУЛИ



**Ҳозир хотираси сустлигидан нолийдиганлар кўп. Имкони борича хотирани яхшилаш чораларини излаймиз, эшитганимизни амалда қўллаб кўрамиз. Олимлар шу масалада яна бир омилни юзага чиқаришди. Техас университети нейробиологлари ўтказган тажрибадан маълум бўлишича, янги-янги таассуротлар, саргузаштлар хотирани мустаҳкамлашга ёрдам бераркан.**

Бунинг учун 120 та сичқон устида бир неча босқичдан иборат тажриба ўтказилди. Аввалига тадқиқотчилар қум билан тўлдирилган контейнерга сичқонларни жойлаштиришди. Қумнинг бир нечта жойи ковланиб, улардан айримларига егуликлар солиб қўйилди. Янги жойда егуликларни излаб топиш учун биринчи куни жониворларга ярим соат вақт етарли бўлди. Кейинги куни эса улар керакли жойни осонгина топишди. Тажрибанинг иккинчи босқичида олимлар сичқонларнинг мия ҳужайраларидаги кўкимтир доғга кодли родопсинлар ёрдамида боғланиб, бу хотирага қандай таъсир кўрсатишини аниқлашга уриндилар. Бундан кўкиш доғдаги нейронларнинг сунъий қўзғалиши янги таассуротларни уйғотишга ёрдам бериши маълум бўлди. Мия танасида жойлашган бу доғ жисмоний қўзғалиш жараёни, шунингдек, хавотир ва уйқунинг ҳолатини ҳам белгилаб берар экан. Мутахассислар ушбу тадқиқот мактаб ва университетларда таълимнинг янги услубларини ишлаб чиқишда ёрдам беришига умид қилишмоқда. Бундан ташқари, хотиранинг сусайишини келтириб чиқарувчи бир қатор касалликларни аниқлашда ҳам асқотиши мумкин.

### ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР НЕГА СПИРТЛИ МАҲСУЛОТЛАРГА ҚИЗИҚАДИ?



**Вояга етмаганлар алкоголли ичимликлар рекламасини қанча кўп кўрса, уни истеъмол қилишга мойиллик шунча юқори бўларкан. Буни Бостон университети олимлари ўтказган тадқиқот кўрсатди.**

Улар 13 ёшдан 20 ёшгача бўлган мингдан зиёд ёшлар ўртасида сўровнома ўтказишди. Унда охирги ойда алкоголли ичимлик рекламаси берилган бирор телешоуни томоша қилганмисиз, деган савол ҳам бор эди. Ушбу саволга "йўқ" жавобини берган респондентлар ойига 14 порция, "ҳа" жавобини берганлар эса бир неча юз порциягача спиртли ичимлик истеъмол қилганлари маълум бўлди. Мутахассислар тадқиқот натижасида ёшлар 60 турдаги савдо белгили алкоголли маҳсулот истеъмол қилишганини ҳам қайд этишмоқда. Буларнинг барчаси телевизор орқали реклама қилинган бўлиб чиқди. Олимларнинг фикрича, тадқиқот натижаси вояга етмаганларни спиртли ичимликлардан ҳимоялаш чораларини кўриш учун бериладиган тавсияларда асқотади.

**Интернет материаллари асосида**
**Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.**

Reklama

*Кичик бизнес субъектлари диққатига!*

**Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сонли шаҳар шифохонаси**

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Туркистон кўчасидаги 1-сонли шаҳар шифохонасининг 3 қаватли биносини мукаммал таъмирлаш.**

Бошланғич нархи: **246 701 949 сўм ҚҚСсиз, 296 042 338 сўм ҚҚС билан.**

Муддати — **3 ой.**

**Қурилиш-монтаж ишлари**: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови 100 %.

**Манзил:** Қўқон шаҳар Туркистон кўчаси 6-уй, тел/факс: 552-34-45.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 % миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси 36-уй, телефон/факс: (0-373)244-68-90 (92), 98-276-25-48.**

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — **100 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, (куни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) **Қўқон шаҳар, Туркистон кўчаси 6-уй манзилида ўтказилади.**

## ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ

Рио де-Жанейро шаҳрида ўтказилган Олимпиада ўйинларида 200 дан зиёд мамлакат спортчилари нафақат ўз диёрлари спортини, балки миллатлари, халқларининг шижоати, иродасини ҳам намойиш этишди.

Масалан, 377 минг киши яшайдиган Багам ороллари 1 тадан олтин ва бронза медал билан 51-ўринни забт этди; 881 минг аҳолиси бор Фижи диёри жамоаси эса 1 та олтин медал билан 59-ўринни эгаллади. Аҳолисининг сони бўйича жаҳонда 77-, ҳудуди бўйича 104-ўринда турувчи Куба мамлакати спортчиларининг 5 олтин, 2 кумуш ва 4 бронза медал билан 18-ўринни эгаллагани ҳақиқий жасоратдир десак, муболаға бўлмайди.

Спорт ўз йўлига. Куба спортигина эмас, гўзал табиати, чиройли шаҳарлари билан ҳам жаҳондаги энг жозибали мамлакатлардан ҳисобланади.

Бугун сиз билан ушбу диёр бўйлаб "саёҳат" уюштирамиз.




### REPUBLICA DE CUBA

Лотин Америкасининг аксарият мамлакатлари сингари Кубада ҳам испан тилида сўзлашадилар. Ўзбек тилида Куба Республикаси испанчада Republica de Cuba бўлади. У Шимолий ва Жанубий Америка материкларининг ўртасида, Вест-Индия деб аталувчи ҳудудда, Куба ороли ва Катта Антил ороллари гуруҳига кирувчи 1600 дан зиёд майда оролларда жойлашган.

Майдони 110,86 минг квадрат километр. Аҳолиси 11 163 934 киши (2012 йилги маълумот). Пойтахти Гавана шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 14 вилоятга бўлинади.

1953 йилда мамлакатда 5 миллион 829 минг киши истиқомат қиларди. Ўтган 60 йилдан зиёд вақт ичида бу кўрсаткич икки баравар ошди. Айни пайтда мамлакат аҳолисининг 98 фоизи кубаликлар, қолгани маҳаллий ҳиндулар, гаитиликлар, хитой ва япон миллатига мансуб халқлардир.

Ҳар бир мамлакатнинг табиатида ўзига хосликлар бўлади. Масалан, Австралия кенгуруси билан, Ҳиндистон филларию каркидонлари, маймун ва турфа тўтилари билан машҳур. Куба фауна ва флораси ҳам жуда ажойиб Бу ерда дунёдаги энг митти қуш — колибри яшайди. (Биласиз, бу қушнинг вазни атиги 2 граммгина келади). Умуман, бу ўлкада қушларнинг 300 дан ортиқ тури, жумладан, тўтиларнинг 17 турини учратиш мумкин. Ҳайвонлардан калтакесаклар, тошбақа, тимсоҳ, илонлар кўп.

Куба иқлими тропик, ҳавосида намлик кучли. Ҳудудининг 10 фоизини ўрмонлар эгаллаган. Намтупроқли жойларида доимий яшил ўсимликлар ўлка ҳуснига ҳусн қўшиб туради. Умуман, бу юрт тупроғида ўсимлик ва гулларнинг 3000 дан зиёд тури ўсади.

Жанубий текисликларида кучли довуллар юз бериб туриши унинг гир-атрофи океан ва денгиз экани билан изоҳланади.

Куба дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари қаторига киради. У аграр-индустриал мамлакат. Ялпи миллий даромадда саноат асосий ўрин тутади, унинг улуши — 46 фоиз. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчиликдан олинадиган даромад эса 16 фоизни ташкил этади.

Бу юрт ўзининг шакари билан машҳур. 1,5 миллион гектар ерда шакарқамиш етиштирилади. Шунингдек, қаҳва, дуккакли ва мойли экинлар, ғалла, пахта, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Боғдорчиликда банан, кокос палмаси, ананас етиштириш етакчи ўринда. Қишлоқ хўжалигида чорвачилик ҳам кенг тарқалган.

Саноатда қанд-шакар етиштириш асосий тармоқ ҳисобланади. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларидан ун, сут маҳсулотлари, ёғ-мой ишлаб чиқариш тараққий этган. Тўқимачилик корхоналари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариладиган заводлар, пойабзал фабрикалари мавжуд.

Куба никел қазиб олиш бўйича дунёдаги учта етакчи мамлакатдан бири. Бу заминда шунингдек, темир, кобалт, волфрам, марганец, мармар конлари ҳам бор. Кемасозлик яхши ривожланган.

Мамлакат 1945 йилдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йилда тан олган.

Куба Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан ўзбек халқига ҳамдардлик билдириб, ўз ҳудудида бир кунлик мотам эълон қилган ягона хорижий мамлакатдир.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

Масару ИБУКА

# Уч ёшдан сўнг кеч...



(5-мақола)

### Бола ота-онаси уришганини сезади

Боланинг юзидан ота-онасининг уришганини дарҳол англаш мумкин. Унинг юз ифодаси нотинч бўлиб, кўп йиғлайди. У яқинлари кайфиятидаги ижобий ва салбий ўзгаришларни дарров сезади. Ҳар куни жанжал, урушларни кузатаётган, гувоҳи бўлаётган гўдак ким бўлиб вояга етишишини тасаввур қилиб кўринг-а?! Аксарият ҳолларда бундай кимсалар доим хўмрайиб, бирор хавф кутаётган одамдек ҳадиксираб юради. Жанжал ва бир-бирини ёқтирмаслик муҳитида катта бўлган болани келажакда бахтсизлик кутади. Ўсмирлик чоғида жиноятга қўл урган кишиларнинг ҳаёти ўрганилганда, улар гўдаклигида носоғлом муҳитда катта бўлганликлари аниқланган. Доктор Шиничи Сузуки «Уйга келганингизда фарзандларингиз юзига бир қаранг, унда сиз ўз оилавий муносабатларингиз қандайлигини кўрасиз” дейди. Боланинг эрта ривожланиши учун аввало оилангизда муҳаббат ва ҳурматга асосланган муҳитни ўрнатинг.

### Ота-она фарзанд билан кўпроқ мулоқотда бўлиши керак

Катта бўлганида кўпчилик отаси билан ўтказган вақтларини хурсанд бўлиб эслайди. Менинг катта ўғлим биргаликда қилган нарсаларимизни ҳануз эслайди.

Масалан, денгизда қайиқда сузганимиз, биргаликда ширин қизил ловия еганимиз ва бошқаларни... Бу 30 йил илгари содир бўлган ва мен буларни эслай олмайман. Анъанавий равишда оилада отага авторитар рол берилади. У оилани боққан, тартибни сақлаган ва ҳимоя қилган. Агар бола отасини кам кўрса ва фақатгина ундан танбеҳ эшитса, уни бегонадек кўради. Албатта қаттиққўл оталар томонидан тарбияланган баъзи болалар буюк мусиқачи ёки рассом бўлиб етишишади, аммо уларнинг феъл-атвори юмшоқ, бошқаларга буйсунувчан бўлиб қолаверади. Иккинчи томондан ота ичиб, доимий равишда хотини ва болаларини уриб, сўкса, бундай бола тарбиясиз, жиноятчи бўлиб етишиши ҳеч гап эмас.

Боланинг тарбияси ва таълимидаги етакчи рол онага тегишли. Аммо бу оталар бола тарбиясида қатнашишлари керакмас дегани эмас. Оиладаги уйғунликка фақатгина она ҳаракати билан етишиш мумкин эмас. Яқинда автобусда бир оилани кузатдим. Ота, она ва қизалоқ. Уч ёшлардаги қизалоқ отаси билан тинмай гаплашарди. Онаси эса уларнинг ёнида қандайдир журнални ўқиб турарди. Мен бу қизалоқ ажойиб аёл бўлиб етишишини ўйлаб қолдим. Вақт етишмаслиги, ишдан чарчаб келиш оталарга фарзандлари билан мулоқотга киришишга халақит бермайди.

### Боболар ва бувилар бола ривожига яхши таъсир қилади

Ёш оила ота-онасидан алоҳида яшаса, бобо ва буви неваралари тарбиясида қатнаша олмайди. Кейинчалик уларнинг аралашуви тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Афсуски, замонавий ҳаётда бу одатий ҳол. Ҳозир ёшлар қариялар болани эркалатиб юборади, деб ўйлайди. Мен ота-онасининг уйидан кетиб, кичкина уйда яшаётган оилани биламан. Улар бобоси билан бувиси болаларига салбий таъсир кўрсатмасин дея шундай қилишган. Албатта, Японияда келинига боласи юзасидан насиҳат қилавериб, жонга тегадиган қайноналар бор. Аммо бу бобо ва бувининг бола тарбиясидаги аҳамиятини пасайтирмайди. Айнан қариялар фарзандингизга минг йиллик аждодлар мероси, қадриятларни тушунтиради, ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда тарбиялаб, уларнинг ақлли, меҳрибон, оиласи ва ўзгалар дардига шерик бўладиган инсон бўлиб вояга етишишларига ёрдам беради. Болани эркалатишга ҳар қандай уриниш келажакда муҳаббат, ижобий ҳиссиётлар билан қайтади. Бу эса боланинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Машҳур японялик олим Сейжи Кайа ўзининг шу даражага етишишига айнан бобо ва момосининг тарбияси сабаб бўлганини айтади. Қишлоқ оқсоқоли бўлган бобоси ғоят қаттиққўл бўлиб, йўталиши билан болалар йиғидан тўхтаган. Аммо у жуда ҳам адолатли эди. Доктор Кайа иродали ва жисмонан кучли бола бўлиб вояга етди. Бувиси эса камгап хотин эди. У уй ва дала ишларини қилар, камтар ва сабрли инсон эди. Психолог Акира Таго олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун айнан доктор Кайага бобоси ва бувисининг хислатлари ўтган деб ҳисоблайди.

**Наргис ҚОСИМОВА таржимаси**

## МУЛОҲАЗА

Табиатимиздаги орзу-ҳавас, таъсирчанлик, тақлидчилик каби хусусиятларга кўпроқ аёллар берилувчан бўлади. Эътибор берсангиз, ҳар қандай қиз ва ёки аёл энг аввало гўзал бўлишга, чиройли кийинишга, яхши яшашга интилади.

# ЭҲТИЁЖСИЗ ЗАМОНАВИЙЛИК

## ЁКИ «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»НИНГ ТУРФА ТАЪСИРЛАРИ

Кимнингдир кўнгли дугонаси ёки қўшниси кийган либосни, унга ўхшаб ҳашаматли хонадон бекаси бўлишни тусаса, бошқаси ундан-да устунликка ҳаракат қилади. Эҳтимол, бир қараганда, кўпчилик бундай эзгу ниятнинг нимаси ёмон дейиши мумкин. Бироқ шу ўринда ҳатто меъёридан ортиб истеъмол қилинган энг фойдали асал ҳам инсон саломатлиги учун зарар келтиришини унутмаган маъқул.

Демоқчимизки, бугун меъёридан ортиб бораётган ширин орзу-ҳавaслар аксар ҳолларда гўзал, фаровон ва тинчгина турмушга зиён етказиб, ортиқча ташвиш, муаммоларни келтириб чиқармоқда. Гоҳида эса аччиқ қисматларга сабаб бўляпти. Бинобарин, ота-она, фарзанд, оға-ини-сингил, қўни-қўшни, қариндош, дўсту биродарлик ўртасидаги ришталарга, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик сингари ноёб қадриятларимизга ҳам айнан шундай меъёридан ортиқчалик туфайли путур етаётир.

Кинорежиссёр Ҳилол Насимов томонидан ҳаётий воқеалар асосида суратга олинган «Ажал жодуси» номли фильм таъсирчан сюжетларга бойлиги билан томошабинни бефарқ қолдирмаса керак. Чунки унда меъёридан ортиқ орзу-ҳавасга берилиб дабдабали тўй қилиб қарзга ботган оиланинг аянчли тақдири акс эттанки, бу ҳар бир мулоҳазали инсонни чуқур фикрлашга ундайди. Қисқаси, оилавий аҳволини ҳисобга олмаган эркак аёлининг орзу-ҳаваси ва хонадонига келаётган келиннинг керагидан ортиқ истакларини деб тўнғич ўғлининг тўйини шаҳардаги катта ресторанда янгича дабдаба билан ўтказиш учун қулоғигача қарзга ботди. Бир марта четга бориб ишлаб келса, ундан қутулишдан ташқари ҳаммадан зўр яшаш мумкинлигини айтиб қистайверган хотинининг гапидан кейин янги уйланган куёвбола ва коллежни тугатмаган ўғлини эргаштириб Россияга жўнайди...

Фильм ресторандаги шоҳона тўй, келин-куёвнинг шаҳар ва шаҳар ташқарисида ижарага олинган қимматбаҳо машиналар, ҳатто дарё бўйлаб пароходлардаги сайр-саёҳатлари, бахтли лаҳзалари намойишидан бошланиб ҳар бир оила аъзосининг ачинарли қисмати билан тугайди. Аниқроғи, бегона юртда ота ва ўғилларга ҳалол иш ва пул топиш осон кечмайди. Содда ака-ука мусулмон масжидида, ислом дини ниқоби остидаги ёвуз ниятли кимсалар тўрига илиниб қолишади. Уларнинг алдовига ишониб, ўзлари истамаган ҳолда кундузлари жанг машғулотлари, кечкурунлари тинч аҳолига ҳужум қилиб, мол-мулкини тунаш билан шуғулланишади. Гарчи экстремистик гуруҳ вакиллари ака-укаларга қилаётган ишлари гуноҳ эмас, аксинча ислом дини ҳимоячиларининг моддий таъминоти учун савоб эканини уқтиришса-да, аслида улар тобора катта гуноҳ ва жиноят ботқоғига чўкиб боришарди. Фарзандларининг қандай одамларга қўшилиб қолишганини пайқаган ота ўғилларини йўлдан урган сохта имомнинг пайига тушади. Афсуски, аламзада ота бақувват ва бунинг устига собиқ спортчи бўлишига қарамасдан одам ўлдиришни касб қилган ваҳшийларга бас келолмай жон беради. Ўзини яхши инсон деб кўрсатган кимсаларнинг асл кўзлаган нияти ва ҳақиқий башараси ака-ука кўзини мошдек очади. Шунинг учун бир амаллаб улардан қочишади. Юраги тилкапора ўғиллар отанинг совуқ жасадини бегона юртнинг тупроғига топширмасдан не-не азобда поездда уйга жўнашади. Танбурга тик ҳолда жойлаштирилган катта гилам орасида жасад борлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Навбатма-навбат пойлоқчилик пайтида аканинг кўзини уйқу элтиб, гилам назоратсиз қолади. Воқеанинг фожеали жиҳати гиламни поезд тўхтаган станцияларнинг бирида катта миқдордаги бойлик деб ўйлаб ўғирлаб кетишади. Эрининг ўлими ҳақидаги шумхабар қишлоқда катта-катта орзу-ҳавасларда юрган аёлга қаттиқ таъсир қилади. Бир алпозда аза очиб ўтирганда ниҳоят абгор аҳволдаги икки ўғил уйга қайтади. Улардан майит ўғирлаб кетилганини эшитиши билан беҳолгина «Майит ҳам ўғирланадими?» деганча жони узилади. Онанинг кўмиш маросими ўтгач, ака-ука чет элдаги жиноятларига яраша қонун олдида жазо ўташ учун олиб кетилади. Ҳувиллаган ҳовлида эса яқиндагина тўйи ўзи истагандек шаҳардаги энг зўр ресторанда дабдабал билан ўтган, чет элдан келтирилган энг қимматбаҳо либосда ҳамманинг ичини куйдирган ёш келиннинг бир ўзи қолади.



Аслида кинода акс этган бунга ўхшаш воқеалар ҳаётда ҳам учраб туради. Сабаби аксарият ҳолларда бўлғуси қайноналар, келинлар орзу-ҳавас деган нарсаларни ҳаддан ташқари ошириб юборишяпти. Янгича урф-одатларнинг ҳаммаси ҳам бизнинг менталитетимизга тўғри келиш ёки келмаслиги ва бу миллий қадриятларимиз, ўзбекчилигимизга, келажакка зиён етказаётгани ўзгаларга тақлид қилувчиларни мутлақо ташвишга солмаяпти.

Умуман олганда, ресторанда тўй ўтказишни маданият, тўкчилик, фаровонлик деб тушуниш мумкин. Ҳар ким ҳам эзгу ниятига етсин, аммо, имконият билан ҳисоблашиш ҳам керак-да.

Шу ўринда турли ёш ва табақадаги одам йиғилган тўй базмида келин елкаси буткул очиқ фасондаги либос кийгани, куёвжўралари билан қадаҳ уриштириб, шампан ичиши етмаганидек, куёв билан валсга тушиши наҳотки, маданиятимизга тўғри келса?! Ахир буларни ўзгаларга кўр-кўрона тақлид, «оммавий маданият» таъсирига берилишдан бошқа яна нима деб баҳолаш мумкин?!

Мана шунақа «замонавийлик» туфайли бўлажак келин-куёв тўйдан бир неча кун аввал тортишиб қолди. Чунки «Фарҳод ва Ширин» фильмидан таъсирланган қиз бўлғуси умр йўлдошига тўй куни биргаликда «келин-куёв» валсини ижро этиб, барчани лол қилиш истагини билдирибди. Йигит биринчидан буни ўзига эп кўрмагани, иккинчидан умрида валс тушмаганини айтиб, қаршилик қилибди. Қиз эса, валс замонавийлик белгиси, агар озгина харажатини тўлаб вақт топса тўйгача биргалашиб рақс тўгарагига қатнаб ўрганишларини уқтиришга уринган экан. Кўндиролмагач, орзусини ушалтирмаган бўлғуси турмуш ўртоғидан қаттиқ аччиқланиб, «намунча маданиятни тушунмайдиган, қурумсоқ бўлмасангиз. Ахир, ҳозир кўпчилик шундай қилишади-ку?!» деб гап билан узиб олибди. Бу йигитнинг нафсониятига қаттиқ тегибди ва унга уйланиш ниятидан қайтибди, тўй тўхтабди.

Яхшики, бизга мутлақо ёт ва бегона, керагидан ортиқча мана шунақанги янги анъаналар, дабдабалар, тантана ва маросимларни ростдан ҳамма ҳам бирдек ҳазм қилиб, кўр-кўрона урф деб кетавермайди. Демоқчимизки, биз учун умуман зарурати бўлмаган бу каби урф-одатларнинг оммалашишига нафақат чет эл фильмлари, балки ўзимизнинг миллий сериалларимиздаги тақлидчилик ҳам таъсир кўрсатмоқда.

**Шаҳзода АКБАРОВА**
*Наманган вилояти*

## ҲУСНИ ХУЛҚ

Қишлоғимизда бир кампир яшарди. Ўғлини яхши ниятлар билан уйлантирган момо янги келиннинг қилган ишларию юриш-туришидан айб қидирар, арзимаган нарсадан жанжал чиқарар ва келинини “у дунё-бу дунё тирноққа зор бўлиб ўт”, дея қарғар эди.

# ҚАРҒАМАНГ, МОМОЖОН...

Не тонгки, кетма-кет набираларидан жудо бўлган момо, бу дунёдан ўтар чоғида, ўша айтган сўзларидан афсусланаётганини билдириб, ўғлининг бефарзанд ўтаётганида ўзини айблаб кетибди. Демак, ҳар бир сўзда илоҳий қудрат борлиги, фаришталарнинг яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам “омин” дейиши рост экан-да.

Аждодларимиз наздида, ҳар қандай ёмон сўз, совуқ тилак қачонлардир бир нохушликни бошлаб келиши тайин. Бугун ҳам ўзимизни ёмон хаёллардан ҳимоя қилиш учун бирор-бир хасталик билан оғрисак ҳам “касалман” демаймиз. Худди бу сўз ўз ортидан жиддий хасталикни бошлаб келишига ишонамизми, бундай холатни “мазам йўқ”, “тобим қочиб қолди” сингари иборалар билан ифодалаймиз. Ёки бўлмасам бирорта ёмон туш кўрсак, уни ҳеч кимга гапирмаймиз, эрта туриб, сувга “оқизиб юборамиз”.

Аммо баъзида билиб, баъзида билмай, кимларнидир бисотимиздаги энг хунук сўзлар билан “сийлаймиз”. Сизнингча, инсонни ёмон сўзлар айтишга нима мажбур қилади?

Халқимизда “ёмон гапдан илон пўст ташлайди” деган ибора бор. Ўз фарзанди ва яқинларини билиб-билмай, гоҳо эрмакка қарғаётган айрим аёллар бу ҳолатни тушунармикан?

Дарвоқе, баъзилар “она қарғиши дўк”, дея бу ҳолатга айтарли эътибор қаратмайди. Ҳарқалай, ўша дўқ қарғиш ёш ниҳол сингари ўсаётган фарзанднинг характери ва руҳиятига таъсир этмасдан қолмайди. Ота-онасидан қарғишу сўкишдан бошқасини эшитмаган фарзанднинг уларга меҳр кўрсатиши даргумон.

Ёшлигимда ака-укаларим билан тўполон қилардик, момом ўшанда “уйинг буғдойга тўлгурлар-эй”, “омон бўлгурлар-эй” дерди. Топган “ёмон” гапи шу эди у кишининг. Кексаларимизнинг нафақат, юриш-туриши ва меҳнати, балки сўзи ҳам ибратдир. Улар айтган сўз ҳавога эмас, ёш авлод юрагига сингади. Ўша бола онгида қайта ишланиб, унинг нутқида янгича кўринишда намоён бўлади.

Демоқчи бўлганим: момоларимиз тилида қарғиш эмас, мудом олқиш ва дуолар янграса, ёшлар қалби ва тафаккури эзгуликка ошно тутинади.

**Меҳрибон ЭШҚУВВАТОВА**

## ТАКЛИФ — БИЗДАН, ТАШАББУС — СИЗДАН

Тўй — инсон орзу-ҳавасларининг гултожи. Ота-боболаримиз, момоларимизнинг дуосида ҳам яхши тилак: “Топганинг тўйга буюрсин” ёки “Тўйларга етказсин” бўлиб келган. Шу боисми, билмадим, топганимизни дастурхонга қўйиб, меҳмон чорлаймиз. Молиявий имкониятимиз бўлса ҳам, бўлмаса ҳам чорлайверамиз. Бу балки қадриятдир?! Бундан қайғуриш эмас, балки қувониш керакдир?

Нима бўлганда ҳам, меъёр деган мезон бор. Ошиқчаси — ошиқча.

# МАҲАЛЛАДА «ДУВ-ДУВ»

Бу ҳақида кўп гапирилган бўлса-да, баъзиларнинг “мен сендан камми” қабилида иш тутиб, шундай хайрли ишни мураккаб бир муаммога айлантириб юбораётгани одамни ташвишлантиради. Сохта савлат учун қилинаётган бу дабдабавозликлар серфарзанд оилаларга қанчалик қимматга тушаётганини кўриб-билиб, жим ўтириш лозиммикан? Тўй-ку, бир кунда ўтади-кетади. Ортиқча харажатларга берилиб, катта қарзга ботганларнинг боши ғалвадан чиқмайди. “Ҳотамтой”лар эса анойи эмас. Омонатини ўз вақтида қайтармаса, устига фоиз қўшиб бораверади. Хўш, бўйнимизгача қарзга ботиб, шундай тўй қилиш зарурми? Қанча машаққатлар эвазига йиғилган оила «бюджети»ни шунчаки ном чиқарарга совуриш қадриятларимизга ҳам тўғри келмайди. Бунинг ўрнига, миллатимиз энди мустақил тараққиёт йўлини топиб, ўз-ўзини англаб келаётган, эртанги кунга янгича нигоҳ билан қараётган бир пайтда турмуш даражасининг баланд бўлишига ҳисса қўшсак, кошкийди. Орзуга айб йўқ, дейдилар. Барча замонларда ҳам тўй бўлган, аммо ота-боболаримиз меъёрга риоя этганлар, исрофгарчиликдан тийилганлар. Ҳозир ҳам кексаларимиз учун тежамкорлик муҳим таомил ҳисобланади. Ҳадисларда ҳам енглар, ичинглар, кийинглар, лекин исроф қилманглар, дейилган. Демак, исрофгарчилик ва манманлик мусулмончилик талабларига ҳам зид. Айримлар бу масалага ҳали ҳам тўғри қарамаётган экан, аҳоли ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишларини йўлга қўйиш керак. Камситилмаган, келишилган ва инсонийлик маънавиятига таянган ҳолда, албатта.

Эҳтимол, «Аршин мол-олон»даги қурумсоқ бой сингари «битта мулла, бир калла қанд, уч сўм пул» қабилида иш тутиб, ҳимматда паст кетиш бизга ярашмас. Лекин ҳар нарсанинг ўз меъёри бўлгани яхши. Элга дастурхон ёзмасам бўлмайди, ўзбекчилик, деб ўзини даврага уриш ёки саховатим олдида Ҳотамтой ҳам ип эшолмайди, дея ҳаддан ошиш – кибр-ҳаводан бошқа нарса эмас. Баъзан дабдаба билан тўй қилаётганларнинг ғарибгина кулбасига кўзим тушиб, ўйга чўмаман: шундай хайрли шодиёнани исрофгарчилик ва манманликка йўл қўймасдан, оила иқтисодига муносиб тарзда ўтказса, ўзига яхши бўларди. Халқ ўзимизники, тушунади. Ўзимиз тежамкор бўлмасак, яна етишмовчиликдан нолиб нима қиламиз? Назаримда, одамлар ортиқча дабдабаларсиз, икки томоннинг келишуви асосида тўй қилишнинг аллақачон мавриди келганини англаб етгану, бунга риоя қилишга иккиланаётгандек. Гоҳо ҳаётда тўй билан боғлиқ шундай воқеаларга дуч келасизки, хоҳ кул, хоҳ ўл, дейдиган одамнинг ўзи топилмайди. Масалан, Тошкентда қизларни мебелсиз узатишмайди. Бу буюм албатта, чет элники бўлиши керак. Шундагина келин шаънига таҳсин айтилади. Битта мебелнинг кучини қаранг.

Одамнинг жонидан азиз!

Сурхондарё, Қашқадарёда эса суннат тўйининг “обрўси” баланд, даҳмазаси ҳам шунга яраша. Каллайисаҳарлаб элга ош берилади. Яллачи деганларининг “бирров”га келиб-кетишини ўзи бўлмайди. Яна кўнгил етарларга тўн. Тўйболага безатилган той. Бир зумда замонамиз “қаҳрамон”ига айланган тўй эгаларига қариндош, қўшнилар сарпо беради. Тўйда битта буқа гўшти урвоқ ҳам бўлмайди. Анави “зорманда”га кетган сарф-харажат манаман деган бойваччанинг ҳам белини синдириб юбориши мумкин. Водийда ҳам никоҳ тўйларида кимўзарга бериладиган сарпо-суруқлар, қўшилган тўёналар ҳисобига етолмайсиз. Бухоро, Хоразм томонларда никоҳ кўйлагининг ўзи фалон сўмга тушади.

Келин кўйлак билан боғлиқ биргина мана шу муаммо қанчалаб қуда-қудағайлар ўртасида тушунмовчиликларга сабаб бўлаётгани айни ҳақиқат. Чунки беш қўл баробар эмас. Фалон сўмга ижарага либос олгандан кўра, келинпошшанинг ўзи миллийлигимизни сақлаган ҳолда янги кийим тиктириб кийгани яхши эмасми? Тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам бунинг саломатликка катта фойдаси бор. Самарқанд томонларда энг чақадигани, қалин пули. Ва яна ўша тўрт фаслга етгулик сарпо-суруқлар... Бу “мода”лар коллекциясидаги ялтироқ кийимларни келин-куёв нари борса, бир-икки йил кийиб юрар. Кейин нима бўлади?! Ёш оила ҳам умр бўйи йиғиб-терганига дабдаба билан тўй қиладими? Ёки фарзандларининг илм олиши, ҳунар эгаллаши, соғ-саломат бўлишига сарфлайдими?! Муаммонинг илдизи мана шу ерда. Бу ниҳоятда нозик масала. Бунга юртимиздаги барча ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари, фуқаролар йиғини раислари, маслаҳатчилар ва маҳалла фаоллари жиддий эътибор беришларини истардик.



*“Ўнта қўй нима бўлади? Душманларим куйиб ўлсин дейман-да!”...*

Назаримда, ҳар қандай урф-одат, анъана мажбурий эмас, ихтиёрий бўлиши керак. Ҳар тўй мавсумида «урф» бўлган нарсалар одат тусига кириб бораверса, миллий маданиятимизга путур етмайдими? Айтайлик, илгарилари келин-куёв жўралари билан лимузинда ЗАГСга бориши бахтнинг энг чўққиси ҳисобланарди. Ҳозирги “културний”лашиб кетган малика ва шаҳзодаларимиз турнақатор жипларда шаҳарни бошига кўтаргани етмагандек, тушови қимматга тушса ҳам, шоҳона отаравада тўйхонага келаётганига нима дейсиз? Бундай ҳолат марказий кўчалардаги ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солаётгани, ҳар хил кўнгилсизликларни келтириб чиқараётгани ачинарли ҳол. Яқинда Қаршида тўй сайрига чиққан машиналардан бири йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан, ёшгина бир қизни уриб юборди. Йўл ўртасида қонга беланиб ётган йўловчини кўриб, атрофдагилар довдираб қолишди. Автоҳалокатга учраган қизнинг яқинларига қанчалик ҳамдарлик билдирмайлик, у оғир тан жароҳати олди. Машинани бошқарган йигитнинг ҳайдовчилик ҳужжатлари жойида бўлгани учун воқеа жойидан қочиб кетди. Бу ерда ажаблантирадиган бошқа гап бор: Тўй сайрига ўнга яқин бир хил русумдаги машина ажратиш шартми? Автотранспорт воситаларидан фойдаланиш маданиятига эга бўлмаган ёшларни бу маросимга чиқишга нега рухсат берилаяпти? Бу борада, ота-оналар, фуқаролар йиғини раислари, йўл назорат хизмати ходимлари ҳамжиҳатликда ўйлаб кўришса, яхши бўларди.

**УЛУҒЛАР ЁДИ**

Санъатнинг ҳамма тури инсон қалбига бевоста таъсир этади. Айниқса, қон-қонимизга сингиб кетган мусиқа, олис замонлардан, эҳтимолки, башарият энди шаклланган даврлардан буён ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Яхши куй руҳиятга беқиёс даражада таъсир ўтказиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

# Оҳангларга бахшида умр

Тарихдан маълумки, халқимиз илм-фан, санъат борасида бой хазинага эга бўлиб келган. Асрлар давомида шаклланган мусиқий меросимиз ҳозиргача сақланган. Ҳатто ўтган асрда ҳам миллий анъаналар ўз шаклини деярли ўзгартирмаган. Бунда бир қанча санъаткор, бастакор ва композиторларнинг ўрни беқиёс.

Ўзбек мусиқа санъатининг ёрқин намояндаси, композитор, Ўзбекистон санъат арбоби (1964), Ўзбекистон халқ артисти (1974), "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби (2001), ўзбек бастакорлигидаги романс, акапелла жанрлари асосчиларидан бўлган Мутал Бурҳонов мусиқага ҳаётини чамбарчас боғлаган ижодкор сифатида, бетакрор ва унутилмас асарлари билан ёдимизда муҳрланган. Мутал Бурҳонов миллий мусиқа санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган, турли жанрларда бадиий етук асарлар яратган серқирра ижодкор бўлиб, у Шарқ халқлари қўшиқларини маҳорат билан миллий мусиқамизнинг нафислиги ва жозибасини сақлаган ҳолда қайта ишлашга муваффақ бўлган.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусиқасининг муаллифи Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов таваллудининг 100 йиллиги юртимизда кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Республика Киночилар уйида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига биноан тайёрланган, ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи "Оҳангларда яшайман ҳамон..." номли ҳужжатли фильм тақдимоти ҳамда композитор асарлари асосида Ўзбекистон Миллий симфоник оркестрининг концерт дастури бўлиб ўтди.

Концерт давомида композиторнинг халқимиз қалбидан жой олган бир қатор асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Жумладан, хонанда Эгамберди Турсунов ижросидаги "Алишер Навоийга қасида", Маъсума Болтабоева куйлаган "Ишқида", Миллий симфоник оркестрининг "Ёрларим" ҳамда "Бибигул" ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязов ижросидаги "Алишер Навоий" операсидан Ҳусайн Бойқаро арияси, халқаро танловлар совриндори Рустам Алимардонов ва хонанда Алимбой Каримбековлар рус ва ўзбек тилида куйлаган, кўпчиликка ёд бўлиб кетган "Мафтун бўлдим" қўшиғи йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирнинг энг асосий қисми, яъни Дилдора Мардиева сценарийси ҳамда постановкачи режиссёр Адҳам Усмоновнинг "Оҳангларда яшайман ҳамон..." деб номланган ҳужжатли фильмини эса томошабинлар қизиқиш билан томоша қилди.

Тадбирга йиғилган ҳамма: маданият ва санъат намояндалари, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзолари, маданият ва санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчи ва талабалари композитор Мутал Бурҳонов шахси ва ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотларини янада бойитдилар.

**Аъзамжон АБУЛФАЙЗОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

# БАДИИЯТНИ АНГЛАШ СИРИ

**ШЕЪР ЗАВҚИ**

Сир эмаски, махсус филологик билим эгалари бўлмиш адабиёт ўқитувчилари ҳам, филолог мутахассислар ҳам асарларнинг филологик ва дидактик таҳлили, ҳар иккисига хос етакчи тамойиллар, маълум тур ёки жанрдаги бадиий матнни муҳокама қилишнинг ўзига хосликлари, бу жараёнда объект ва субъект муносабатлари ҳақида тизимли билимга эга эмаслар.



Олий адабий таълим муассасаларида адабиёт тарихи, назарияси, адабиётшуносликка кириш ва адабий танқидни ўрганишга қаратилган дарсларнинг бирортаси замирида бадиий матннинг таҳлили бўйича мукаммал билим берилмайди. Кўпчилик мутахассисларнинг бирор асар таҳлилига бағишланган битикларида ҳам бевосита бадиий матннинг ўзидан кўра унинг атрофида айланиб фикр юритилишининг сабаби ҳам шундан. Қозоқбой Йўлдош ва Муҳайё Йўлдош ҳамкорлигида яратилган ҳамда шу йил "Камалак" нашриётида чоп этилган "Бадиий таҳлил асослари" номли китобни адабий таълим йўналишида юқоридаги муаммолар ечимига қаратилган илк тадқиқот дейиш мумкин.

Бадиий асарни англаш, унинг матни устида ишлаш, сўзнинг моҳиятига кириш, бадиий яратиқдан таъсирланиш, ундан маънавий озуқа ва завқ ола билиш, ўзга бир шахс томонидан ифодаланган фикрни тушуниш, айниқса, тушунтириб бериш адабий таълимнинг барча босқичларида, умумий ўрта таълим мактабларида ҳам, ўрта-махсус таълим тизими муассасаларида ҳам, ҳатто олий филологик таълимда ҳам энг мураккаб ҳамда муаммоли масалалардан бири бўлиб, жуда кераклি, мушкул, айни замонда, шарафли юмушдир. Адабий таълимда бунга эришиш жамият маънавияти юксалишида ғоят катта ўрин тутади.

"Бадиий таҳлил асослари" мамлакат университетлари филология факультетлари ўқув режасидан ўрин олган махсус курс учун дарслик сифатида яратилган. Умуман, фанлар методологиясидан маълумки, илмнинг бирор тармоғи алоҳида фан сифатида тан олиниши учун ўз мустақил тадқиқот предметига, илмий тадқиқот усуллари ва салмоқли ижтимоий аҳамиятга эга бўлмоғи лозим. "Бадиий таҳлил асослари" фани олдига қўйилган вазифалар, унинг ўзигагина хос бўлган объекти ва предметининг тайин этилиши, илмий тадқиқот усуллари ҳамда ижтимоий аҳамиятнинг тадқиқи унинг алоҳида фан сифатида эътироф этилишига асос бўлади. Бу курснинг мақсади: "*бўлажак филолог мутахассисларни исталган бадиий асарни илмий таҳлил қила билишга ўргатиш*"дан иборат.

Китобнинг "**Назарий чизгилар**" деб номланувчи илк бўлимида илмий ва дидактик таҳлилга асос бўладиган "бадиий асар" тушунчасининг моҳиятини очишга ҳаракат қилинади. Унда А.Фитрат, Ч.Айтматов, М.Бахтин, Д.Қуроновларнинг бу борадаги қарашлари келтирилиб, муносабат билдирилган, мунозарага киришилган ва бадиий асарга: "*эстетик мақсадга йўналтирилиб, образлар воситасида киши руҳияти ва тафаккурига таъсир кўрсата оладиган, муайян мантиқий туғаллик ҳамда бадиий ўзига хосликка эга теран мазмун ва таъсирчан шаклдан иборат яратиқ бадиий асар дейилади*" тарзида ўзига хос таъриф берилган. Айни ўринда бадиий асарнинг мулоқот-коммуникатив; баҳолаш-аксиологик; тарбиявий-ахлоқий; билиш-гносеологик ва завқлантириш-ҳедонистик сингари вазифалари санаб ўтилган, уларнинг ўзига хос жиҳатлари борасида батафсил фикр юритилган.

"Бадиий асар таҳлилининг етакчи тамойиллари" сарлавҳали мақолада бадиий таҳлилнинг тўққиз тамойили: ҳар қандай таҳлилнинг *тугал бўлмаслиги*; ҳар қандай илмий таҳлил *фақат шахсий фикр ифодаси* эканлиги, ҳеч қачон *мутлақ ҳақиқатлик* даъвосини қилиши мумкин эмаслиги; бадиий матнни *ғояни ифодалаш воситаси* деб қарашнинг мумкин эмаслиги; санъат ҳодисаларига *борлиқнинг нусхаси* тарзида муносабатда бўлмаслик кераклиги; *яхлитлик; тизимлилик*; *тарихийлик*; *эстетик асосларнинг устуворлиги; эмоционаллик* ёки *ҳиссийлик* тамойиллари хусусида сўз юритилган. Ҳар бир принципнинг бадиий асар таҳлилидаги ўрни, роли ва аҳамияти очиб берилган.

Масалан, "***ҳар қандай таҳлилнинг тугал бўлмаслиги***" тамойили ҳақида гапириларкан, чинакам бадиий асар ақл билан изоҳлаш мушкул бўлган ҳолатларнинг ифодаси ўлароқ ҳиссий-иррационал идрок этишгина мумкин бўлган йўсинда яратилиши айтилади. Маълумки, жамики санъат феномени мантиқий тушунчаларга сиғмай қолган жойдан бошланади. Энг зўр, ўта билимли тадқиқотчи ҳам асл ижод намунасини тўлиқ, барча замонлар ва инсонлар учун ўзгача талқинга ўрин қолдирмайдиган тарзда таҳлил қилолмаслиги ҳам ҳақиқат. Асл бадиий асар асрлар оша яшайверади ва ҳар бир давр вакили уни ўз савияси, диди, дунёқараши, интеллектуал имкониятлари даражасида қабул этади ва ўзича таҳлил қилади. Бадиий матн турли даврда турлича қабул қилиниши ва турфа талқинга эга бўлиши табиий. Унинг таҳлили ҳеч қачон тўлиқ тугалликка ёки қатъий, ўзгармас хулосага даъво қилолмайди.

Ёки бадиий асарни "***ғояни ифодалаш воситаси деб қарашнинг мумкин эмаслиги***" тамойилини олиб кўрайлик. Маълумки, бугун ҳам ўзбек адабиётшунослиги илми ва филологик таълимида санъат асарларига ижтимоий-ғоявий ёндашув устувор мавқеда турибди. Бадиий асарга ўз ҳолича қимматга эга бўлган алоҳида эстетик мавжудликдан кўра кўпроқ қандайдир ғояни ўтказиш йўли деб қаралади. Матнга бундай ёндашув бадиий асарнинг ўзига хослиги, жозибаси, руҳий озуқа берувчи жиҳатлари сингари ёзувчининг истеъдоди ва маҳоратини намойиш этадиган муҳимни эътибордан четга суриб, асардан ғоя қидиришдек номуҳимни тақозо этиши, бутун бошли эстетик ҳодисани муайян бир қарашни ифодалашнинг воситаси ҳисобланиши унинг қадрини тушириши, таъсир кучини йўққа чиқариши тайин.

Битикда таҳлилни амалга ошириш тартибини сўздан образга, образдан ифодага, ифодадан фикрга тарзида ташкил этиш самарали экани таъкидланади. Бадиий асар таҳлилида ниманинг бирламчи эканини аниқлаб олиш, нимага устувор аҳамият қаратиш, яъни таҳлил йўналишини аниқлаб олиш асар таҳлилининг самарадорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мазкур дарсликда бўлажак адабиётчиларга маълум талаблар ҳам қўйиладики, бу шаклланиб келаётган мутахассиснинг зиммасига бир қатор масъулиятларни юклайди. Келажакда бадиий асар таҳлили билан шуғулланишга бел боғлаган "*адабиёттанувчи*, — дейди муаллифлар, — *ҳар қандай бадиий асарни инсоф билан ҳалол ўқий билиши ва баҳолай олиши керак. Бу кечимда уни бадиий матннинг моҳияти ва бадиий фазилатлари ёхуд нуқсонлари борасидаги ҳақ фикрни айтишдан на гуруҳ манфаатлари, на сиёсий вазият талаби, на обрўли кимсаларнинг фикри тўхтатиб қололмаслиги керак*".

**Қундузхон ҲУСАНБОЕВА,**
**педагогика фанлари доктори**

**ГАВҲАР СЎЗЛАР**

**Лев ТОЛСТОЙ кундаликларидан**

Шеърият инсон юрагида ёнаётган оловдир. Бу олов ёндиради, иситади, эритади. Чинакам шоирлар беихтиёр равишда азоб, заҳмат чекиб, ёнадилар ва бошқаларни ҳам ёндирадилар. Ҳамма гап ана шунда.

* * *

Наср билан шеърият орасидаги чегарани мен сира англай олмайман, сўз илмида бу масала мавжуд, аммо жавобини тушуниб бўлмайди. Поэзия — шеър, проза эса шеър эмас; ёки иш қоғозлари ва дарслик, китоблардан бошқа нарса — поэзия. Барча асарлар яхши бўлиши учун Гоголь сўнгги видолашув қиссасида айтганидек, муаллиф қалбидан отилиб чиқмоғи зарур.

* * *

Ҳар бир ёзувчи ўз асарини қабул қиладиган идеал китобхонларни назарда тутиши зарур. Бундай идеал китобхонлар нимани хоҳлашини аниқ тасаввур қилиши лозим, агар бутун дунёда иккита шундай ўқувчи топилса, — фақат улар учун ёзиш керак.

* * *

Баъзан асар яхши ёки яхши ифодаланган фикрни шунчаки ўтказиш истаги туфайли тўхтаб қолади; шунинг учун бундай фикрни бирон жойга ёпиштиришга уриниб ўтирмасдан кундаликка ёзиб қўйган маъқул. Фикрнинг ўзи жойини топиб олади.

Юқори табақа олдинда юраверсин, халқ ҳам орқада қолиб кетмайди; у юқори табақага қўшиб кетолмайди, аммо орқада ҳам қолмайди. Қанчадан-қанча катта вазифалар олдинда турганда, назокат ҳақидаги гаплар кимга керак?

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**
**таржимаси**

# ГАП БЎЛИШИ ШАРТМИ?




Тўй — ўзбекона расм-русумлар, одамларимизнинг меҳр-оқибати, бир-бирига бўлган хайрихоҳлиги билан гўзал. Шунда қадриятларимиз ўз қадрини йўқотмайди. Гап шундаки, ҳаётдаги баъзи бир бачканаликлар тўйларимизга ҳам кўчаётганини кўриб, ҳайрон қоласиз. Энг қизиғи, бу бемаъниликлар ақли расо одамлар томонидан амалга оширилаяпти. Бундан уч-тўрт йил илгари таниқли санъаткорлардан бири қиш чилласида қизининг тўйига Малайзиядай тупканинг тубидаги мамлакатдан турфа хил капалаклар келтириб, тўйхонани безатгани ҳамма жойда "дув-дув" гап бўлганди. Қўл телефонлари, интернет орқали "совға"нинг қиммати янада ошиб кетди. Орадан кўп ўтмай, ёш оила арзимас сабаб билан барбод бўлди.

Кафтига капалак қўндириб тушган ўша келин сурати ҳалигача кўп қизларимизнинг орзусига айлангани қолди... Хўш, бунинг ўзбекчиликка нима дахли бор?!

Тўғри, тўйни қандай ўтказиш, тўйхонани безаш ҳар бир кишининг ўта шахсий иши. Гап бунда эмас. Иллат шундаки, бир-бировни менсимаслик, исрофгарчиликлар ва беҳуда дабдабавозликларга берилиш имонимизнинг сустлашишига олиб келади. Миллатни ичидан емирадиган ёки юксакка кўтарадиган туйғулар мана шундай ички муносабатларнинг қай даражадалиги билан белгиланади.

Мени яна бир нарса ўйлантиради: бу тўйга санъаткор чорлаш масаласи. Эътибор беринг, тўй ҳофизнинг вақтига қараб белгиланади. Бу ҳам майли, фалон сўмга олиб келинган қўшиқчи бемалол фонограмма орқали тўй эгаларини "соғиб" кетаверади.

Соддагина элдошларим-а, бундан кўра, шундай савобли ишни магнитофонга юклаб улуғ санъаткорларимиз ижро этган қўшиқларни эшитганимиз яхши эмасми, дегим келади. Кўнгилни хира қиладигани шуки, тўйларимизда катта-кичикни бирдай оврўпача мусиқий жазавалар, беандиша ҳайқириқларга жўр ҳолда ҳаракат қилишлар, ҳуда-беҳудага санъаткорлар билан расмга тушишлар асабини эговлайди кишининг. Бу ёшларимизни айнитади. Бу унсурлар, бемаъниликларга дарҳол барҳам бериб, миллатимизга хос бўлган анъаналарга қайтиш чораларини кўриш аввало, тўй соҳиблари, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг вазифаси.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг: «*... Қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият енгилмас кучга айланади*", — деган пурҳикмат сўзлари ҳаётимиз мезонига айланиши керак. Чунки аҳоли тинчлигини сақлаш, фаровонлигини таъминлаш, бир-бировга ҳурмат, меҳр-оқибат масалалари бугун ҳам кун тартибининг асосий масалаларидан бири бўлиб турибди. Қайсидир маънода, кексаларимиз, маҳалла фаоллари, дин пешволарининг саъй-ҳаракатлари билан қиз йиғинлари, келин ва суннат тўйлари атрофдагиларнинг оилавий шароитини ҳисобга олган ҳолда тартибли ўтказилишига эришилмоқда. Ҳозир тонг қадар давом этадиган никоҳ базмларига деярли барҳам берилди. Аммо беш-олти юз кишилик тўйхоналарда аҳвол ўша-ўша. Яқинда ана шундай тўйларнинг бирида бўлиб, атрофни обдон кузатдим. Тўй дастурхони энг яхши неъматлар билан безатилган. Қариндош, қўшни дегандек, ҳамма чиройли либосларни кийган. Бир-биридан ортиқ бўлса ортиқки, кам жойи йўқ. Фақат маънавият масаласига келганда, ҳали ҳам "сен же, мен же"дан нарига ўтолганимиз йўқ. Очиғи, айрим хотин-қизлар, ёшларни сархуш ҳолатда кўриб, ўзимни ноқулай сездим. Ҳатто келин-куёвларни ичишга мажбур этишаётгани дилимни хира қилди.

Шу ўринда, Амир Темур бобомизнинг: "*Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, жуфти ҳалолига яқинлашишни маън этдим. Шаробнинг таъсирида дунёга келган фарзанд насл-насабнинг бузилишига таъсир этгай деб шу покиза йўлни тутдим*", деган пурҳикмат ўгитлари ёдимга тушди.

Турмушнинг бу қадар кўзга кўринмас, нозик томонларига нега эътибор бермаяпмиз? Ичкиликбозлик оқибатида ногирон болалар дунёга келаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку! Тўй тугагач, дастурхондаги гуруч доналарию нон ушоқларининг сочилиб ётганини кўриб, "ҳайф одамгарчилик" деб юборгим келди. Шу пайтда хаёлимдан яна бир воқеа ўтди. Бундан бир неча кун аввал бозор-ўчар қилгани кетаётсам, катта йўл ёқасига ош тўкилиб ётганига гувоҳ бўлгандим. Гуручни оёқ ости қилганлар кеча-кундуз сув кечиб, оғир меҳнат билан ҳосил олган шоликорнинг меҳнатини қадрлармиди?! Шу орада йўловчилардан бири рўпарамиздаги тўйхонада тадбиркорлардан бири ош бергани ва ортиб қолганини хизматчилар шу ерга тўкиб кетганини гапириб қолди. Ишнинг кўзини биладиган киши шу ишни қилгандан кейин "ўзбекчилик" деб ўзини ҳар нимага урадиганлардан нима кутиш мумкин?! Тўй-маъракалардан ортган нарсаларни беҳуда исроф қилгунча, "Мурувват", "Меҳрибонлик" уйларига ҳадя қилинса, савоб иш бўларди-ку!

Севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий ҳам бундан юз йил олдин тўйларимиз ҳақида фиғон билан шундай шеър битган эканлар:

*Қилди бу вақт бизда жавлон тўй,*
*Оқчаси йўқни этди ҳайрон тўй.*
*Бир-биридан ошурдилар тўйни,*
*Топди равнақ, ғайрат ила боён тўй.*
*Беш кун ўтмай тўйни сўнгидин*
*Кетибон мулклар боис фиғон тўй.*
*Мундайин ишлар шаръимизда йўқ...*

Агар аҳвол шундай давом этаверса, юз йилдан кейин ҳам тўйларимиз ҳақида яна баҳслар, мулоҳазалар, мунозаралар бўлиши тайин.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, ўзбек хонадони тўй билан файзли. Шундай хайрли ишни ихчам, ортиқча дабдабавозликлардан холи ўтказиш учун юқоридан кимнингдир кўрсатмасини кутиб ўтириш шарт эмас. Ҳаммамиз эл ичида юрибмиз. Қаерда қандай камчилигимиз борлигини биламиз. Қолаверса, аҳоли тинчлигини сақлаш, тўй, маърака, оилавий тадбирлар ва бошқа маросимларни ўтказишни тартибга солиш борасида давлатимиз ҳам бир четда қараб тургани йўқ. Фақат бунга маҳаллалардаги оқсоқоллар, профилактика нозирлари, посбонлар, маслаҳатчилар ва кенг жамоатчилик масъулият билан ёндашса, ечимини кутиб турган айрим муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўларди. Меъёр ва тартиб бор жойда осойишталик ҳукмрон бўлади. Аслида яшашдан мақсадимиз ҳам ҳаётимиз фаравон, юртимиз тинч ва бод бўлиши эмасми?!

**Адиба УМИРОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

***КУЗАТГАНЛАРИМ...***

**Фикрлар**

## ЯХШИЛИККА ЁМОНЛИК

Мевали дарахтга тош отишади... Нега? Қайси гуноҳлари учун? Унинг айби "қўллари"ни чўзиб ширин-шакар меваларидан "тортиқ" қилишими? Тош отишлари майли-ку-я, ширин-шакар меваларини узатаётганда унинг "билакларини" қайириб, синдириб ташлашади. Мана сизга яхшиликка ёмонлик.

## ЁМОНЛИККА ЯХШИЛИК

Ёмонликка яхшилик билан жавоб берганмисиз? Бундай саволга "ҳа" дейдиганлар камдан-кам учрайди. Мевали дарахтлар эса бундан мустасно. "Кўкраги"га тош билан қанчалик кўп "урсанг", мевасини шунчалик кўп оёғингнинг тагига ташлайди. Қойил қолиш керак. Наҳотки, уларнинг "қалби" фақат яхшилик туйғулари билан тўлиб-тошган бўлса?

## САХИЙ ДАРАХТЛАР

Унинг ҳовлисидаги дарахтлар ҳар йили яхши ҳосил беради. Меваси айни ғарқ пишган пайтда ўзиникидан ташқари қўшниларининг ҳам фарзандлари баҳраманд бўла бошлайди. Бундан ғазабланган "хўжайин" ҳамсояси билан ўзининг ҳовлиси ўртасига девор тортди. Дарахт эса орадан бир йил ўтиб, ҳосилга тўла шохининг биттасини деворнинг нариги томонига "узатди".

## МАНА ЁШЛИК, ҚАНИ ТАЖРИБА?

Ёшлик — инсоннинг куч-қувватга, ғайрат-шижоатга тўлган, ерга урса осмонга сапчийдиган вақти. Ёшлик — тоғни урса талқон қиладиган, бутун вужуди ҳар қандай оғир меҳнатдан сўнг ҳам чарчамайдиган палла. Лекин кўп ҳолларда ёшларнинг ҳаракатлари кутилган натижани беравермайди. Шунда бутун айбни тажрибанинг камлигига йўйишади. Мана ёшлик, қани тажриба, деб шунга айтишса керак.

## МАНА ТАЖРИБА, ҚАНИ ЁШЛИК?

Тажрибали, тажрибаси кўп, катта тажрибага эга... Бу сўзлар одатда кўпни кўрган, бир жойда кўп йиллар ишлаган, ёки бир жойга борган кишиларга нисбатан ишлатилади. Улар қанчалик ишнинг кўзини яхши билишмасин, тез чарчаб қолишади. Шунда бутун айбни ёшликнинг ўтиб кетганига йўйишади. Мана тажриба, қани ёшлик, деб шунга айтишса керак.

**Абдуҳалим МЕЛИЕВ**

# Шоҳи Зинда мажмуаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июлдаги "Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида икки йил давомида мажмуа ва унинг атрофида таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ёдгорлик кўркига соя солиб турган иншоотлар кўчирилиб, кўркам хиёбон яратилди. Йўллар кенгайтирилиб, ҳайдовчилар ва пиёдалар, зиёратчи ва сайёҳлар учун қулайликлар яратилди. Мажмуага туташ "Ҳазрати Хизр" масжиди ҳам тубдан таъмирланди.

*"Нима учун Ўзбекистонимизнинг маданияти бу қадар қадимий деган савол берилса, аввало динимиз туфайли, муқаддас ислом динимиз бўлмаганида биз бу қадар маданиятга эга бўлмас эдик, дея жавоб берган бўлар эдим".*

Ислом КАРИМОВ

**"Мустақиллик йилларида обод этилган муборак, масканлар" китобидан олинди**



# Абу Исо Термизий ривоят қилган ҳадислар

### ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТЎҒРИСИДА

*Оиша онамизнинг айтишларича, ҳазрат Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шундоқ деганлар: "Инсон боласининг қурбон ҳайити кунидаги савоб ишларидан энг яхшиси қон чиқариш(яъни қурбонлик илиш)дир. Қиёмат кунида у ўз шохлари, юнглари ва туёқлари билан келиб гувоҳлик беради. Қурбонлик учун чиқарилган қон ерга тушишдан илгари Аллоҳ ҳузурига бориб юқори мартабага эга бўладики, у билан ўз нафсингизни тоза қилинг".*

***

*Ибн Аббос бундай ривоят қилади: "Бир сафарда ҳазрат Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан бирга эдик, қурбон ҳайити келди, бир сигирни етти киши, бир туяни ўн киши шерик бўлиб қурбонлик қилдик".*

### УЛУҒ ФАЗИЛАТЛАР ҲАҚИДА

***

*Али ибн Абу Толиб ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шундоқ деганлар: "Мусулмонларнинг бир-бирларида эзгуликда олтита ҳақлари бор. Агар учрашса, салом беради, чақирса боради, аксирса жавоб қилади, касал бўлса бориб кўради, ўлса жанозасини кузатади, ўзига раво кўрган нарсани унга ҳам раво кўради".*

***

*Абу Ҳурайранинг айтишича, ҳазрат Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: "Кимки бир мусулмоннинг дунё қайғуларидан бир қайғусини енгиллаштирса, Аллоҳ унинг қиёмат кунидаги қайғуларидан бирини енгиллаштиради. Кимки дунёда бир қийналган мусулмоннинг оғирини енгил қилса, Аллоҳ таоло унинг қиёматдаги оғирини енгил қилади. Кимки бу дунёда бир мусулмоннинг айбини яширса, Аллоҳ таоло дунё ва охиратда унинг айбини яширади. Модомики, банда бошқа бир бандага ёрдам қилса, Аллоҳ таолодан унга мадад етади".*

***

*Абу Ҳурайранинг айтишича, ҳазрат Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): "Бадгумонликдан ҳазар қилинглар, чунки бадгумонлик энг ёлғон сўздир" деганлар.*

Абу Исо айтурки, бу ҳадис ҳасан саҳиҳдир.

***

*Анас ибн Моликнинг айтишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: "Қайси бир ёш киши қари кишини ҳурмат қилса, у кексайганида ўша ҳурматни кўради".*

***

*Анас(ибн Молик)нинг айтишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шундоқ деганлар: "Бир-бирингизнинг орангизни узманг, бир-бирингизнинг орқасидан айбини қидирманг, бир-бирингизни ёмон кўрманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг. Аллоҳнинг яхши оға-ини бандалари бўлинг. Мусулмон киши ўз мусулмон бирордарини уч кундан ортиқ тарк этмаслиги керак".* Абу Исо айтурки, бу ҳадис ҳасан саҳиҳдир.

# МАТОНАТ ҒАЛАБАСИ

**Инсон учун ҳаётда энг қимматли нарса — соғлиғидир. Бироқ орамизда ногирон бўлиб туғилган ёки бирор сабаб билан шу кўйга тушганлар ҳам йўқ эмас. Барчамиз уларга қўлимиздан келганча кўмаклашгимиз келади. Аммо ногиронларнинг аксарияти бундай муносабатдан хурсанд бўлавермайди. Улар ўзларини ҳақли равишда жамиятнинг бир бўлаги ҳисоблаб, ҳар қандай юмушни бажара олишларини исботлашга ҳаракат қиладилар. Ва бунинг уддасидан чиқадилар ҳам!**

Шу кунларда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XV паралимпия ўйинларини кузатиб, бунга яна бир кара ишонч ҳосил қилиш мумкин. Унда ўзбекистонлик паралимпиячилар ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда. Келинг, бу ҳақда гапиришдан олдин Паралимпия ўйинлари тарихига озгина тўхталсак.

2001 йилдан паралимпия ўйинлари ёзги олимпиада ўйинлари билан ҳамоҳанг тарзда олимпиада мезбонлик қилган майдонларда ўтказила бошланди. Ёзги паралимпия ўйинлари 23 та спорт тури бўйича ўтказилади. Айниқса, ногиронларнинг марафонда узоқ масофаларни босиб ўтишлари томошабинларни асло бефарқ қолдирмайди. Матонатли ногирон спортчилар нафақат югуришда, балки, футбол мусобақаларида ҳам кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.









1948 йил британиялик шифокор Людвик Гуттман Сток-Мандевилл госпиталида Иккинчи жаҳон урушидан ногирон бўлиб қайтган британияликлар ўртасида спорт мусобақасини ташкил этади. Мазкур турнир ўшанда кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортади. Якунда британияликлар Сток-Мандевилл ўйинларини ҳар йили уюштиришга киришишди. 1952 йилда ўтказилган Сток-Мандевилл ўйинларига халқаро мусобақа мақоми берилди. Унда биринчи марта хорижий жамоа — нидерландиялик уруш ногиронлари қўшилди. Лондонда ўтказилган мусобақада икки мамлакатдан жами 130 нафар имконияти чекланганлар иштирок этди. IX Сток-Мандевилл халқаро ўйинларидан бошлаб эса, урушда қатнашмаганларга ҳам имконият берилди.

Ногирон спортчилар ўртасидаги замонавий ёзги паралимпия спорт ўйинлари эса 1960 йилдан ўтказиб келинмоқда. Италия пойтахти Римда ўтказилган 1-паралимпия ўйинларида 23 мамлакатдан 400 дан ортиқ атлет қатнашди. Ўшандан бошлаб паралимпия ҳаракатини ривожлантириш дунёнинг барча давлатларида кенг қулоч ёзди.

Сўнгги йилларда юртимизда ҳам паралимпия ҳаракати жадал суръатларда ривожланди. Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси 2007 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Орадан бир йил ўтиб икки нафар спортчимиз Пекинда бўлиб ўтган XIII ёзги паралимпия ўйинларида иштирок этди. Мазкур мусобақа спортчиларимиз учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтади.

2008 йилги паралимпия ўйинларидан сўнг вакилларимиз кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, маҳоратларини янада оширди. Жумладан, 2010 йилда Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида ўтказилган Параосиё ўйинларида ҳамюртларимиз ҳақиқий матонат кўрсатиб 1 олтин, 2 кумуш, ҳамда 3 та бронза медални қўлга киритди. "Лондон — 2012" паралимпия ўйинларида эса вакилларимиз тарихий натижани қўлга киритишди. Яъни унда дзюдочи Шариф Халилов илк кумуш медални мамлакатимиз ҳисобига қўшди.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти 2013 йил 25 февралда "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги олимпиада ва XV паралимпия ўйинларига тайёргарлиги тўғрисида" қарор қабул қилди. Унга кўра мамлакатимиз спорти, спорт жамоатчилиги олдига катта вазифалар қўйилди. Мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг кўламиг халқаро спорт майдонларида қўлга киритилаётган муваффақиятларимиз салмоғини янада юксалтириш ҳамда мамлакатимизда паралимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Хусусан, 2014 йилда Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган Параосиё ўйинларида имконияти чекланган атлетларимиз 22 олтин, 2 та кумуш ва 5 бронза, жами 31 та медални қўлга киритиб, юртимизда паралимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини намойиш этди.

Атлетларимиз XV паралимпия ўйинларига ҳам катта таркиб билан йўл олди. Эътибор беринг, Пекин шаҳрида ўтказилган паралимпия ўйинларида икки нафар спортчи билан, Лондонда бўлиб ўтган паралимпия ўйинларида эса 10 нафар спортчи билан иштирок этдик. Рио-де-Жанейрода бошланган паралимпия ўйинларига эса 32 нафар паралимпиячи билан йўл олдик. Улар дзюдо, сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш ҳамда пауэрлифтинг бўйича баҳсларга киришган.

Паралимпия ўйинларининг 13 сентябригача спортчиларимиз 6 олтин, 4 кумуш ва 13 бронза, жами 23 та медални қўлга киритиб, юксак маҳоратларини намойиш этди. Мусобақалар 18 сентябргача давом этади.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ, "Hurriyat" мухбири**

Reklama

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"Асака" банк

*"Мустақиллик куни" байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:*

"МУСТАҚИЛЛИК — 25"

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

**Сизнинг омонатларингиз:**
- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |



**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади**

**"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz

*Хизматлар лицензияланган*

**ЭЪЛОН**

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Талабалар шаҳарчасида ЎзМУ кимё факультети манзилида жойлашган "Tegirmon" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини

**ТУГАТАЁТГАНЛИГИНИ**

**маълум қилади.**

Кредиторлар талаблари аризаларини қабул қилиш муддати 2 ой давомида қабул қилинади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "HURRIYAT" газетаси жамоаси "Қорақалпоғистон тонги", "Қорақалпоғистон адабиёти", "Гулойим" газеталари бирлашган таҳририяти масъул ходими, таниқли журналист Фарҳод Ибадуллаевга волидаи муҳтарамаси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

**Гулчехра ая РАҲМОНОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма аъзоси, фахрий журналист

**Арутюнова Маиса СЕРГЕЕВНА**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*

Адади: 2850 Буюртма — S-6976 1 2 3 4 5

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*

**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-88

**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80

**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-91

**Самарқанд:** (0-366) 233-62-12

**Топшириш вақти** — $20^{00}$ **Топширилди** — $20^{00}$

ISSN 2010-7526

*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Манзилимиз:** 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Шолазиз Шохидоев томонидан саҳифаланди.*

**Навбатчи:** Элмурод Нишонов

**"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.**

Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**